2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 11 (1072), 2024 йил 16 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини жорий қилиш бўйича тақдимот билан танишди.**

Тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бизнес учун шароитлар изчил яхшиланиб бормоқда. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида тадбиркорларга янада қулайликлар яратилади. Бу 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлашда жуда муҳим ўрин тутади. Ушбу мақсадлар учун 83 триллион сўм ва 275 миллион доллар кредит ҳамда субсидиялар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Рейтинг жорий этилиши тадбиркорлар фаолияти учун ўзига хос рағбат бўлади. Бунинг аҳамияти ҳақида давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида айтилган эди. Шундан сўнг мазкур рейтингнинг мезонлари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилди.

Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 та тоифага ажратилади. Бу солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Рейтинги юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади, қўшилган қиймат солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Товарларни импорт қилишда ва сотишда қўшилган қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади. Аукционда олинган давлат активлари ва ер участкалари қийматини бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни бир йўла амалга оширганда, қолган суммага йиллик фоизлар ҳисобланмайди.

Бундай рейтинг шунинг учун ҳам муҳимки, энди тадбиркорлар фаолиятига солиқчилар эмас, электрон тизим баҳо беради. Келгусида субсидия, имтиёз ва преференциялар рейтингдан келиб чиқиб берилади. Кўрсаткичи паст бўлганлар интизомли тадбиркорлар сафига кириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади.

Яна бир томони, бу рейтинг тадбиркорларга ўз ҳамкорлари тўғрисида ишончли маълумот берувчи ҳимоя тизимига айланади. Яъни шубҳали шартномалар ва инсофсиз рақобатга чек қўйилиб, "яширин" иқтисодиёт қисқаради.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни пухта ишлаб чиқиб, адолатли ва самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

— Тадбиркорларнинг таклифлари асосида бизнес учун шароитларни тобора яхшилаб боряпмиз. Яқинда қабул қилинган қарорлар билан 16 та лицензия ва 34 турдаги ҳисоботни бекор қилдик. Тадбиркорлар синфи жамиятда етакчи кучга айланмоқда, ёшлар уларга қараб интилмоқда. Энди ушбу рейтинг орқали тадбиркорлар ўртасида қонунларга итоат қилиш, интизомли ва ҳаракатчан бўлишни рағбатлантириш зарур. Буни жорий қилиш ва самарадорлигини таъминлашда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат кенгашининг ўрни катта бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда "Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги" платформаси 1 мартга қадар ишга туширилиши белгилаб олинди. Савдо-саноат палатаси томонидан жойларда учрашувлар ўтказилиб, рейтинг имкониятларини тушунтириш ишлари олиб борилади. Субсидия, имтиёз ва преференциялар ажратишнинг шаффоф тизими йўлга қўйилади.

Рейтинги паст тадбиркорлар билан манзилли ишлаб, фаолиятини жонлантириш ва тиклашга ёрдам бериш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА**

## ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни геология соҳасида қилинган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодиётини ресурслар билан таъминлашда геология стратегик аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бу соҳага йилига 1 триллион сўмдан маблағ ажратилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида 31 минг квадрат километр янги ҳудудлар ўрганилди.

Хусусий сектор учун яратилган имкониятлар эвазига норуда конларга инвесторлар жалб қилинди. Бугунги кунда соҳада 1 миллиард 700 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Лекин соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Конлар ва уларни ўзлаштириш кўламини кенгайтириш мумкин.

Тақдимотда бу борадаги истиқболли лойиҳалар, хусусан, жорий йилга мўлжалланган режалар тўғрисида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари уни тинглаб, яқин ва узоқ истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Бу соҳада узоқни кўзлаш ва замондан илгари юриш муҳимлиги таъкидланди.

Шу боис, маррани катта олиб, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, аниқланган захираларни самарали ўзлаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Соҳага хорижий технологиялар ва инвестициялар жалб қилишни давом эттириш, бу орқали геологик қидирувлар ва қазиб олиш натижадорлигини ошириш вазифалари қўйилди.

Аҳоли, ижтимоий соҳа ва саноат тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 22 фоизга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Илғор хорижий тажриба асосида бойитиш чиқиндиларини қайта ишлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Қадрли отахон ва онахонлар!

Муҳтарама опа-сингиллар!

Азиз ёшлар!

Ҳурматли юртдошлар!

Барчамизга яхши маълумки, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида соҳа ходимлари ва фахрийларининг шу йўлдаги хизматлари муносиб баҳоланиб, олдимизда турган муҳим масалалар аниқ кўрсатиб берилди.

Ҳеч шубҳасиз, биз буларнинг барчасини прокуратура органлари фаолиятига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз ва ана шу ишончни оқлаш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратимиз, билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз.

Азиз ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Президентимиз томонидан қонунлар қоғозда эмас, амалда қатъий бажарилиши, ислоҳотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб бориши, юртдошларимиз уларнинг амалий самарасини кундалик ҳаётида доимо ҳис қилиши зарурлигига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Албатта, ана шундай натижаларга эришишда прокуратура органлари ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, барча соҳа ва тармоқларда қонунийликни таъминлашда ўрнак ва намуна бўлиши жуда муҳимдир.

Биз буни чуқур англаган ҳолда, ўз ишимизни янгича асосда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни аниқ белгилаб олдик.

Аввало, халқимизга янада яқин бўлиб, мамлакатимизда қонун ва адолат устуворлигини, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлади.

Айниқса, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва тезкорлик билан бартараф этиш, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган вазифалар ижроси прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб қолади.

Маҳаллалар даражасига тушиб, юзага келаётган муаммоларни маҳалла аҳли билан бамаслаҳат ва биргаликда ҳал қиламиз.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

## ЎН ЕТТИ МАҚСАДГА ЖАМЛАНГАН фаровонлик

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар "Инсон қадри учун" деган эзгу ғояни рўёбга чиқариш, жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. "Ўзбекистон — 2030" стратегияси қабул қилиниши ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши ушбу йўналишдаги устувор вазифалар ижросига эришишда ўз самарасини бераётир.**

Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

## АНИҚ МАНЗИЛЛИ ЧОРАЛАР

### камбағалликни қисқартиришга сезиларли таъсир этади

4

Кун мавзуси



**Яқинда "яшил" энергетика соҳасидаги йирик қўшма лойиҳаларни ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари БАА ҳамкорлигида энергетика соҳасидаги йирик лойиҳаларни янада жадаллаштириш бўйича истиқболли мақсадларни илгари сурди. Зотан, бу борада халқаро донорлар билан улкан лойиҳаларни ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш бўйича фаол саъй-ҳаракатлар иқтисодиётимизни келгусида камида 10 йилга тезлаштириши мумкин.**

## УЙИМИЗДА "ЯШИЛ" ЧИРОҚ ЁНИШИ УЧУН

### қайта тикланувчи энергия манбалари керак

Чунки яқин йилларгача аҳоли турар жойлари, маиший хизмат ва саноат зоналарида электр токи етишмаслиги давлат иш соатининг самарасизлигига, раҳбар-ходимларнинг иш сифати пасайишига, халқ манфаатлари учун чиқарилган фармон ва қарорларнинг ўз вақтида ижро этилмаслигига олиб келарди. Бундай ижтимоий-иқтисодий депсиниб туришлар давлат бюджетига катта зарар келтириб, ҳатто рақамлаштириш ислоҳотларига тўсиқ бўлиб келаётган эди.

Аҳолининг катта қатлами ва саноат ишлаб чиқаришининг сезиларли қисми туман марказларида жойлашган бўлиб, кўплаб тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатиш, қолаверса, оилавий тадбиркорлик фаолияти учун электр токи сув ва ҳаводек зарур. Электр энергиясига боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга келганда электр токи учун гидроэлектрстанцияларидан бошқа манба йўқдек эди гўё.

Давоми 4-бетда

Мулоҳаза

## ЖАДИД ФАЛСАФАСИ




**Президентимизнинг ўтган йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи соҳа ривожида улкан аҳамиятга молик тарихий ҳужжат бўлди. Айни пайтда маънавий ҳаётимизда, жумладан, жадид боболаримиз меросини ўрганиш ва уларнинг тажрибасини бугунги кунимизда қўллаш борасида янги босқични, бу жабҳадаги чуқур ислоҳотлар даврини бошлаб берди.**

Маърузани ана шу серқирра ва дориламон жараённинг методологик асоси сифатида англаш ва тушуниш, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларимизни унинг асосида ташкил этиш зарурати бугунги кун, янги давр талабига айланмоқда.

### МАЪНАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

Маънавий ҳаёт соҳалари ва уларда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ва ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши ушбу соҳанинг муҳим қонунларидан биридир.

Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида жадидлар меросига муносабатнинг янги босқичга кўтарилаётганини маънавий ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда маънавият соҳасига эътибор ниҳоятда кучайгани ва у давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айлангани, бу борада янги фаолият тизими шаклланган ана шу жараённинг тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

**"Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"** деб ном берилган 2024 йилда маънавият соҳаси, жумладан, жадидлар мероси ва жадидчилик ҳаракатига эътиборнинг янада ортиши эса бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлардаги бевосита иштирокимиз ва масъулиятимизнинг ўзига хос муҳим мезонларини белгилайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги ислоҳотлар **"Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир"** тамойили асосида амалга оширилаётганининг яққол исботидир. Айнан ана шу тамойил маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотлар диалектикаси ҳамда жадидлар ғояси ва фалсафаси, уларнинг маърифий ва адабий меросига бугунги кундаги янгича муносабатнинг тамал тошини қўйди.

Хўш, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида жадидлар мероси ва унинг аҳамиятига эътибор кучайиб бораётгани, жадидчилик ҳаракати, унинг ғояси, фалсафаси ва амалиётига алоҳида аҳамият берилаётганининг асосий сабаблари нимада?

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Барчамизнинг кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган таълим, тиббиёт ва коммунал хизмат соҳаларида ўз ечимини топмаган масалаларнинг сабабларини аниқлаб, уларни алоҳида ёндашув асосида ҳал этиш бўйича қатъий назорат ўрнатилади.

Бандлик, янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш, экологик муҳитни, табиий бойликлар ва маданий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги ишларимиз жадал давом эттирилади.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, навқирон ўғил-қизларимиз илгари сураётган ташаббусларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, янгиланган Конституциямиз ҳамда қонунларимизга ҳурмат ва эътибор туйғусини янада кучайтириш, ҳар бир юртдошимизнинг уларга қатъий амал қилиб яшашини таъминлаш бўйича тарғибот, ташвиқот ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ишларни янада кучайтирамиз.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурлар ижроси алоҳида назоратга олиниб, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш, талон-тарож қилинишининг олдини олиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашишга янада катта аҳамият берамиз.

Бунда асосий эътиборни жиноятнинг оқибатига қарши курашишга эмас, аввало, уни келтириб чиқараётган омиллар ва сабабларга барҳам беришга қаратамиз.

Албатта, ҳаётимизда коррупция ҳолатлари борлиги барчамизни қаттиқ ташвишга солади. Жамиятимизда бу иллатга қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш ва қатъий кураш олиб бориш келгусида ҳам прокуратура органларининг биринчи навбатдаги иши бўлиб қолади.

Бу борада давлат идораларида коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун вазирлик ва идораларнинг ички назорат тузилмалари иши янада кучайтирилади, соҳа ва тармоқлар фаолиятини рақамлаштиришга доир вазифалар ижроси қатъий назоратга олинади.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ҳар бир хабар ва маълумотлар тезкорлик билан ўрганилиб, кескин чоралар кўриб борилади.

Коррупция билан боғлиқ ҳар бир жиноятни ўз вақтида аниқлашда биз маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар ташкилотлари фаолларига, турли меҳнат жамоаларидаги жонкуяр ва ватанпарвар инсонларга, уларнинг амалий ёрдами ва ҳамкорлигига таянамиз.

Биз ҳаётимизни жиноятчилик ва коррупциядан холи қилишда катта билим ва тажрибага эга бўлган прокуратура фахрийларининг салоҳиятидан ҳам кенг фойдаланамиз.

Шу мақсадда нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан яқин ҳамкорликни кучайтирамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, барча даражадаги прокуратура органлари фаолиятини танқидий-таҳлилий баҳолаб, аниқланган муаммоларни тезкор ҳал этиб боришни тизимли асосда йўлга қўямиз.

Бу жараёнда сафларимизда фақат ва фақат ҳалол ва пок, жонажон Ўзбекистонимизга садоқатли ва фидойи ходимлар ишлашига биринчи даражали эътибор қаратамиз.

"Янги Ўзбекистон прокуратураси ходими" деган юксак мақомга доғ туширадиган, нопок, зиммасидаги вазифа ва ваколатларни суиистеъмол қиладиган, фуқаролар билан beписанд ва қўпол муомалада бўладиган, бефарқ ва лоқайд кимсалар орамизда бўлмаслиги учун кескин чораларни кўрамиз.

Прокуратура органларига мамлакатимиздаги тарихий ўзгаришларни чуқур англайдиган, замонавий фикрлайдиган, билимли, ватанпарвар ва изланувчан ёш кадрларни хизматга олиш, барча мутахассис ва ходимларимизни чинакам қонун ва Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашга устувор аҳамият берамиз.

Олдимизда турган вазифалар ижроси прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш, ушбу тизимга замонавий илм-фан ва амалиёт ютуқларини кенг жорий этиш, ходимларнинг билим даражасини ошириш билан боғлиқ. Шу боис, бу борада ҳам катта ишларни амалга оширамиз.

Ана шу ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш ва соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда Бош прокурор сифатида мен бутун масъулият ва жавобгарликни ўз зиммамга оламан.

Ишончим комил, ўз ҳаётини қонун ва адолатни таъминлашдек ғоят олижаноб ишга бағишлаган ҳар бир прокуратура ходими бугунги кунда зиммасидаги вазифани юксак масъулият ва ватанпарварлик туйғуси билан адо этишни ўзи учун улкан шараф деб билади.

Биз ана шундай фидокорона меҳнатимиз билан янги Ўзбекистонни — ҳар бир юртдошимиз эркин ва фаровон яшайдиган давлатни барпо этишга муносиб ҳисса қўшамиз.

Қадрли юртдошлар!

Прокуратура идоралари "Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар" деган эзгу тамойил асосида мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда қонунийликни таъминлашда, биринчи навбатда, халқимизнинг қўллаб-қувватлашига таянади.

Халқ ва давлат манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида таъминлаб, прокуратура органларини чинакам халқчил тузилмага айлантириш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Юртимиздаги барча қонун посбонлари, нуроний отахон ва онахонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган фидойи ишчи ва хизматчилар, моҳир тадбиркорлар, миришкор деҳқон ва фермерлар, навқирон ёшларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз билан биргаликда иш олиб бориб, ана шундай эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар, келинг, барчамиз шу йўлда Президентимизга камарбаста бўлиб, қонун устувор, адолат ҳукмрон бўлган жамиятни биргаликда барпо этайлик!

**Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори*

## Ҳудудлар ҳаёти

**Қишнинг аёзли кунларида кўпгина қишлоқ ҳудудларида одамларни йиллар давомида биргина муаммо — печкага ўтин-кўмир етишмаслиги, газ баллонларининг вақтида етиб келмаслиги қийнаб келган. Бу, айниқса, олис ҳудудларнинг чекка қишлоқларида яшайдиган аҳоли учун бирдай ташвишли эди. Кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар боис, кўмир ва газ билан таъминлаш ҳамда уларни аҳолига етказишдаги муаммолар анча камайди.**

# ШОХОБЧАДАН ИЛИҚЛИК МУҲИТИ ТАРАЛМОҚДА



— Бугун Сариосиё туманининг Шаҳробод маҳалласида истиқомат қилувчи кексаю ёш бу мавзуда гап очилса, хотиржам тортади, — дейди сурхондарёлик ҳамкасбим Азиз Машрабов. — Нега десангиз, айнан шу маҳаллада янги суюлтирилган газ тўлдириш шохобчаси фаолият бошлади. Бу жойларда ёзда ҳаво жуда иссиқ, қишда эса совуқ бўлади. Сабаби, мазкур ҳудуд тоғ ён бағрида жойлашган. Янги шохобчанинг айнан шу ерда хизмат кўрсатиши эса бу ерда яшовчи аҳоли учун яна бир қулай шароит ва имкониятдир.

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори энергетика тизимини, жумладан, газ соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун энерготежамкор ва илғор технологиялар жорий этилиб, газ таъминоти фаолияти трансформация қилинаётир. Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам изчил ишлар амалга оширилиб, истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш яхшиланмоқда.

Жорий йилгача воҳада 10 та суюлтирилган газ тўлдириш иншооти мавжуд эди. Эндиликда уларнинг сони яна биттага кўпайиб, Сариосиё туманидаги 32 минг 407 истеъмолчини суюлтирилган ёқилғи билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди.

Янги ишга туширилган шохобчанинг бир кунда 30-35 тонна, бир ойда эса 800-900 тонна суюлтирилган газ тўлдирилган баллонлар белгиланган муддатда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Янги шохобчада 13 кишининг бандлиги ҳам таъминланди.

— Ёзнинг жазирама тафтига чидаш мумкин. Аммо қишнинг қаҳратони, айниқса, биз каби кексалар учун қийин. Ҳар йили "Бу йил газ бўлармикан, қишдан қандоқ чиқамиз", деган ташвишли саволлар бошимизда гир-гир айланаверарди. Мана, Худога шукр, йилдан-йилга шароитлар яхшиланиб, ўй-ташвишларимиз арияпти. Бу кичик шохобча бизлар учун катта воқелик, яхшилик, — дейди 78 ёшли отахон Рамазон Абдуллаев.

— Чиндан ҳам илгарилари Сариосиё туманидаги истеъмолчиларга газ махсус транспортларда Узун ва Денов туманларидан қанча йўл босиб етказиб берилар эди. Энди бу анча осонлашди, — дейди "Ҳудудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Илҳом Ҳайитов. — Янги шохобча ишга тушиши туфайли газ баллонларини етказиб беришда вақт ҳам, маблағ ҳам тежалади. Янги шохобчага ёнилғи Қашқадарё вилоятидаги Шўртан ва Муборак газ корхонаси орқали етказиб берилади. Туман истеъмолчиларига 7 та автотранспорт воситаси хизмат кўрсатиб келмоқда. Газ тўлдириш шохобчасида ҳар бир жараён, жумладан, газ сақлаш, унинг хавфсизлик чоралари, газ баллонларини тўлдириш ва ўз навбатида, баллонлардаги қолдиқларни бўшатиш технологиялари доимий равишда 6 та видеокамера орқали назорат қилиб борилади.

Янги газ қуйиш шохобчасида иш вақтида ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Махсус кийимлар, ҳимоя воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳа, Рамазон бобо каби кўплаб сариосиёлик нуронийларнинг бугун қувончи чексиз. Янги бунёд этилган шохобча нафақат хонадонларга, балки кўнгилларга ҳам илиқлик олиб кираётир.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,**
*"Янги Ўзбекистон" мухбири*

## ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

# ЎН ЕТТИ МАҚСАДГА ЖАМЛАНГАН фаровонлик




**УШБУ ЙЎНАЛИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАБ, ЯИМ ҲАЖМИНИ 160 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ВА АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ДАРОМАДЛАРНИ 4 МИНГ ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**



**Фурқат ЮНУСОВ,**
*"Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим бошлиғи*

Бошланиши 1-бетда

Мазкур стратегиянинг иккинчи устувор йўналиши мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган 17 та мақсадни ўз ичига олади. Ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаб, ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш режалаштирилган. Бу мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги, банк тизимидаги ислоҳотлар ва "яшил иқтисодиёт"га ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш каби жабҳаларда муҳим ўзгаришларни талаб қилади.

Шунингдек, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадлари ҳам белгиланган. Бу ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ўз навбатида, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда амалга оширилиши доирасида бу жабҳада қатор ишлар бажарилди. Жумладан, 2023 йилда тадбиркорлик субъектларига 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкцияларни фақат суд тартибида қўллаш амалиёти йўлга қўйилгани адолатли қадам бўлди. Бу ўзгариш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун муҳим. Чунки улар энг кўп дуч келадиган муаммолардан бири бюрократик тўсиқлар ва ноаниқ қонунчилик шароитидир. Суд тартиби орқали санкцияларни қўллаш, тадбиркорларга адолатли ва шаффоф муҳитда ўз муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

2024 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун ҳосилни суғурталашда суғурта мукофотининг 50 фоизи миқдорида субсидия бериш тартиби жорий этилиши бу соҳадаги хавфларни камайтиради ва иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Бу чора-тадбир, айниқса, ўзгарувчан об-ҳаво ва бошқа ташқи омиллар сабабли кутилмаган йўқотишларга дуч келадиган фермерлар учун муҳимдир. Субсидиялар фермерларни рағбатлантиради ва уларга зарур молиявий ёрдамни таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасининг янада ривожланишига ёрдам беради.



Стратегия доирасида чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларидаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг саноат секторини янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда ўзига хос самара бермоқда. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳасида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон божхона чегараси орқали майда шохли молнинг ярим тайёр чармини олиб чиқишда 2025 йил 1 январга қадар йиғим ундирилмаслиги белгиланган. Бу чора-тадбир ушбу соҳаларни рағбатлантириш ва уларнинг халқаро бозорларга кириб боришини осонлаштиришга қаратилган.

Бундан ташқари, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, туризмни, транспорт соҳасидаги ислоҳотлар ва саноатни ривожлантириш каби муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар иқтисодиётимиз ривожланиши, халқаро ҳамкорлик кучайиши ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Булар Ўзбекистоннинг узоқ муддатли иқтисодий тараққиёти ва глобал миқёсда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

"Изланиш ва ривожланиш" (R&D) марказларига бериладиган солиқ имтиёзлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу марказлар 3 йил муддатга мол-мулк ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг фақат 1 фоизини тўлаши керак бўлади. Бу эса уларнинг молиявий юкини анча енгиллаштиради. Бундан ташқари, уларнинг ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида ҳисоблаш ҳам молиявий ҳолатини яхшилайди ва илмий тадқиқотларга кўпроқ маблағ сарфлаш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, илмий ва технологик соҳадаги инновацияларни рағбатлантиради ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб қўшимча қиймат солиғини тўлиқ қайтариб бериш тизимининг жорий этилиши туризм соҳасида ютуқларга эришишнинг янги босқичини белгилайди. Ушбу янгиланишлар туроператорлар ва хорижлик сайёҳларга сезиларли имтиёзлар беради ва Ўзбекистонни халқаро туристик бозорда янада рақобатбардош қилади.

Транспорт соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатнинг инфраструктураси ва иқтисодий ривожланишини янги босқичга кўтармоқда. Хусусан, авиация соҳасида 14 та резидент авиакомпания мавжудлиги, шулардан 11 таси хусусий экани муҳим аҳамиятга эга. Бу авиация соҳасида рақобатни ошириб, хизматлар сифатини яхшилашга ёрдам беради. 13 та маҳаллий йўналишда бажарилган парвозлар сонининг ҳафтасига 236 тага етказилиши мамлакат ичида ўзаро боғланишни кучайтиради.

Авиақатновлар ва ташилган йўловчилар сонининг ошиши мамлакат ичида ҳамда халқаро миқёсда транспорт алоқаларини мустаҳкамлайди. 2024 йилдан бошлаб юк вагонлари ва контейнерларни тақдим этиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларда йўловчи ташиш хизмати тарифларини бозор тамойиллари асосида тартибга солиш механизмига ўтиш мамлакатнинг темир йўл транспортини янада самарадор қилади.

Бу йўналишда амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг транспорт тизимини замонавийлаштириш ва халқаро транспорт йўлакларида муҳим ўрин эгаллашига қаратилган. Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги бу ўзгаришлар мамлакат ички ва халқаро иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.



Мулоҳаза

# ЖАДИД ФАЛСАФАСИ



**Қиём НАЗАРОВ,**
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Бошланиши 1-бетда**

Маълумки, бирор-бир мамлакатда яшайдиган халқнинг юксак даражадаги мустақиллик тафаккурининг бутун жамият руҳиятида тўлиқ шаклланиши ва мустаҳкамланиши нисбатан узоқ давом этадиган, бу борада тизимли ишларни амалга оширишни талаб қиладиган мураккаб сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ўзгаришлар билан боғлиқ эволюцион жараёндир. Инсоният тарихида исботланган ҳақиқатлардан бири шуки, бир неча марта истибдод домига тушган ва узоқ йиллар мустамлака бўлиб яшаган халқнинг яхлит ва юксак даражадаги мустақиллик тафаккури бир йил, ҳатто бир неча йилда ҳам тўла-тўкис шаклланиб, ўз-ўзидан мустаҳкамланиб қолмайди.

Чунки давр ўтади, одамлар қолади... Бу жараёнда халқимизнинг “Тоғ ўзгарибди деса ишон, аммо одамлар ўзгарибди деса ишонма” деган ҳикмати турли эврилиш ва янгиланишлар, инкор ва ворислик анъаналари асосида рўй берадиган узлуксиз ижтимоий воқелик сифатида амал қилади.

Шунинг учун ҳам мустақиллик тафаккурини янада мустаҳкамлаш ва замонавий дунёқарашга эга бўлган янги авлодни шакллантириш ўткир заруратга айланган ҳозирги даврда жадид фалсафаси янги Ўзбекистон жамиятига хос истиқлол руҳи ва мустақиллик тафаккурини мустаҳкамлашнинг муҳим манбаси ва омилларидан бири сифатида намоён бўлаётгани шубҳасиз.

Бугунги янгиланиш даври худди жадидлар замонидек, халқ тафаккурининг ижтимоий зарурат сифатида янгиланишини, фуқароларнинг тўла-тўкис ислоҳотчига айланишини талаб қилмоқда. Жадид ғояси ва фалсафаси, биздан бор-йўғи 100 йил илгари халқимизнинг кенг қатлами вакилларининг янгича тафаккурга эга бўлгани ва бугунги авлодда ҳам улар руҳи сақланиб қолаётганига яқин тарих — ўтган XX аср гувоҳлик бериб турибди.

Ижтимоий соционика қонунларига кўра, ушбу ворисийликни яна қайта жонлантириш, унга янги ва замонавий руҳ ва куч бағишлаш имкони бор. Шу билан бирга, бугунги кунда муттасил ва тадрижий тарзда янгиланиб бораётган даврга мос янги жадидларга, халқни ислоҳотчига айлантиришга кўмак берадиган ва фуқароларнинг янгиланишларга тайёрлигини таъминлайдиган фаол зиёлиларга эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда.

Бу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг *“...Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур”*, деган сўзлари ҳар биримиз учун жиддий чақириқ эканини теран англашимиз лозим.

Жадид ғояси ва фалсафаси, жадидчилик ҳаракати ва амалиёти ана шундай жасоратли зиёлилар учун нафақат асосий таянч манбалардан бири, балки бугунги тафаккур янгиланиши жараёни учун муҳим зарурий қўлланма, ҳар биримиз учун эса ибрат намунаси ва маънавий масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш омили бўлиши зарурлиги давр талабига айланди.

Жадидларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли ислоҳотларнинг генетик асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки улар сиёсий дастурларида умуминсоний хусусиятларни тараннум этувчи, эрк ва озодлик, адолат ва мустақиллик ғояларини олға сурди. Бу эса жадидларнинг мустақиллигимиз учун ғоявий асос бўла оладиган ташаббусларидан даракдир.

## ТАРИХ ТАҚОЗОСИ

Жадидларнинг тарих саҳнига келиши асло тасодиф эмас, балки халқларимиз асрлар давомида яшаб келаётган улкан ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий жараёнларнинг ўзига хос тарихий инъикоси, ўша давр маънавий ҳаётининг феноменал ҳодисаси эди. Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланган қуйидаги фикр ушбу соҳадаги давр тақозосини англашнинг фалсафий-методологик асосини белгилайди: *“Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик”*.

Юртимизда жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабаблари, унинг жамият ҳаётида ўйнаган ролига объектив баҳо бериш ва тўғри тавсифлаш учун тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий омиллар қай даражада таъсир кучига эга бўлганини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий ва маданий тараққиётида XIX асрнинг сўнгги ва кейинги юз йилликнинг бошланиш даври ғоявий-назарий ва мафкуравий шаклларнинг хилмахиллиги билан ажралиб туради.

Туркистонда ўша пайтда турли маънавий-ғоявий ва мафкуравий оқимлар — қадимчилар, жадидлар, ислоҳотчилар, бедилхонлар, машрабхонлар, шунингдек, Марказий Осиё, ислом тарқалган ҳудудлар, умуман, туркий халқларга тааллуқли бўлган тафаккурнинг турли шакллари ҳамда ижтимоий-фалсафий мазмун ва йўналишга эга бўлган “Чиғатой гурунги” каби анча етук йиғинлар, улар илгари сурган маърифий таълимотлар, назариялар мавжуд эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Туркистондаги жадидчилик ўзининг Ўрта ва Яқин Шарқдаги, Қрим, Қозон, Уфа ва Озарбайжондаги қардошлари, машҳур “Ал наҳда” ҳаракати ва “Таждид” ғояси, ўша давр алломалари Саид Аҳмадхон, Жалолиддин Афғоний, Бутрус ал-Бустоний, Журжи Зайдон, Муҳаммад Абду, Абдураҳмон Кавокибий, Жавод Ҳусайнзода, имом Ризоуддин ибн Фахриддин, Шайх Муса Жоруллоҳ, Исмоилбек Гаспирали ва бошқалар номи билан боғлиқ диний-ислоҳчилик, маърифатчилик жараёни билан ўзаро таъсирда шаклланди ва камолга етди.

Бу серқирра жараёнда истило остида эзилган халқларнинг уюшиши, бирлашиши ва озодлик учун курашиш ғояси асосида жадидчилик ғояси ва фалсафаси, маърифатчилик мафкураси вужудга келди. Жадидлар асослаб берган миллий мафкура ва ғоявий мақсадлари, айниқса, улар амалга оширишга уринган вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган инсонпарварлик ва миллий онгни уйғотиш, тарбиялашга чақирувчи дунёқараш тарзида намоён бўлди. Ҳаётда рўй бераётган турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўрганиш, миллий фалсафа ва халқнинг янгиланиши лозим бўлган дунёқарашини жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, кўплаб чора-тадбирларни самарали амалга ошириш борасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Саидрасул Азизий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби аллома боболаримиз катта ютуқларга эришди.

Жадид ғоясининг негизи инқилоб билан эмас, балки истилоҳ ва ислоҳот йўлидан бориб, илм-маърифатни иложи борича кенг кўламда юксалтириш орқали тараққиётга эришишдан иборат эди. Бунинг сабаби, Туркистон ўзининг, ҳатто энг аввалги тараққиётидан ҳам анча орқада қолиб кетган, ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий соҳада вужудга келган ва келаётган рақобатларга дош бера олмай, мустамлакага айланаётганида эди. Миллатпарвар ва тараққийпарвар жадидлар бундай вазиятни теран англагани учун Туркистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли халқ онгини янгилаш, илм-фан, маорифни тараққий эттириш деб билар эди.




Туркистон жадидлари мамлакатни қолоқлик, тарқоқлик, саводсизлик ботқоғидан фақат маърифат орқали қутқариш мумкинлигини яхши тушуниб етгани учун дастлаб асосий саъй-ҳаракатларини янги усулдаги мактаблар ташкил қилиш, уларнинг мазмун ва шаклини такомиллаштиришга қаратди. Жадидчилик феномени шу даврдаги саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлсада, унинг бир қанча йўналиш ва босқичга эга бўлган ғоявий манбалари борлигини эътироф этиш зарур. Жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари уларнинг маънавий меросида ўз аксини топди. Жадидлар янги мактаблар тизимини такомиллаштириш учун дарсликлар яратди, асарларида жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларни ёритди ва уларни бартараф этиш йўлларини излади.

Гарчи улар ижодида бевосита онтология ёки гносеологиянинг умумназарий масалалари камроқ учраса-да, ўша давр ҳаёти ва миллат тақдири билан боғлиқ кўплаб фалсафий муаммолар диққат марказида турган, улар бу борада қимматли фикрлар баён қилган. Аслида ҳам бутун фалсафа тарихи фақат онтология ва гносеология тарихидан иборат эмас. Балки муайян аллома ёки файласуф яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, улар мансуб миллат ва Ватанда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, халқ ҳаёти ва келажагига дахлдор масала ва муаммоларнинг ечимларини излаш билан боғлиқ ғоя ҳамда назарияларнинг кашф этилиши, уларни амалиётга қўллаш жараёни ҳам бу тарихнинг энг муҳим қисмидир.

Бугунги кунда жадид фалсафасига хос айни шу жиҳатлар, яъни давр даъватига нисбатан ҳозиржавоблик, халқ тафаккурини ва ҳаётини янгилаш, бу йўлда илм-маърифатнинг кучи ва таъсирини ошириш ҳамда замонавий дунёқарашга эга бўлган янги авлодни шакллантириш зарурати зиммамиздаги ўткир масъулият, энг муҳим вазифага айланди.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ҲОЗИРГИ ДАВРДА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШГАН, ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҒОЯВИЙ ВА АМАЛИЙ МАНБАЛАРИНИ ЯРАТИШДА ЭНГ САМАРАЛИ БОСҚИЧ БЎЛГАН ЖАДИДЧИЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИ ХОЛИСОНА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ЎРГАНИШ ВА ХАЛҚИМИЗГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУТАХАССИСЛАР ОЛДИДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАГА АЙЛАНДИ.**

## ИЛМИ ҲИКМАТ ИЗЛАРИ

Жадид фалсафаси маърифатпарварлик ғояси ва унинг амалиётида яққол кўзга ташланган дунёқараш сифатида намоён бўлган эди. Ушбу фалсафани қадимги Юнонистонда шаклланган ва камолга етган, ҳозиргача Ғарб тафаккурини белгилаб келаётган ва бизнинг кўпчилигимиз асосланадиган онтогносеологик философия тамойиллари нуқтаи назаридан тўла-тўкис тавсифлаш қийин.

Яъни жадид фалсафасини кўпроқ қадимги Юнонистон ва Рим, кейинроқ эса Ғарб фалсафасининг таркибий қисми ҳисобланадиган онтология, гносеология, антропология, диалектика, софистика, этика, эстетика кабилар, улар билан боғлиқ фалсафий категория ва тушунчалар тизимига асосланиб таҳлил қилиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Негаки, методологик жиҳатдан жадид фалсафаси ота-боболаримиз кейинги юз йилликларда эътиқод қилиб келган анъанавий ислом тафаккури ҳамда Форобийдан бошланадиган илми ҳикматга асосланади ва унинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги намоён бўлиш шаклларидан биридир. Яъни ушбу фалсафанинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аниқ-тиниқ тасаввур қилиш учун Форобийнинг фалсафани “ҳикмат илми” дея тавсифлагани ва ундан кейинги ислом фалсафасида ана шу ёндашув кенг ёйилганини назардан қочирмаслик лозим.

Алломанинг фалсафага нисбатан қўллаган “Фалсафа илми ҳикматдир” деган лўнда ва сермазмун таърифи, у томонидан ишлаб чиқилган фалсафий категориялар, тушунча ва тамойиллар тизими ўша даврдан бошлаб бутун ислом олами илм аҳли орасида машҳур бўлди ва эътироф этилди. Олис асрлар қаъридан келаётган ушбу жараёнда нафақат “ҳикмат илми” атамаси, балки унинг таркибий қисми бўлган “жавҳар” ва “ораз”, “ваҳдат ул-вужуд”, “ваҳдат ул-мавжуд”, “ваҳдат ул-вожиб”, “ваҳдат ул-мумкин”, “ваҳдат ул-шуҳуд”, “олами Кубро” ва “олами суғро”, “офоқ” ва “Анфус”, “вуқуфи замоний”, “қазо” ва “қадар” каби кўплаб фалсафий-онтологик тушунча ҳамда тамойиллари неча асрлар илгари шаклланган ва халқимиз тафаккурига сингиб кетган. Худди шундай “ақл” ва “нақл”, “ақлий билим” ва “нақлий билим”, “ан ал-ҳақ”, “ақл ал-фаол” каби “ҳикмат илми”га хос фалсафий-гносеологик тушунча ва тамойиллар ҳам миллий фалсафамиз тарихи, жумладан, жадидлар тафаккурида ўз ўрнига эга бўлгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Илми ҳикмат шаклланишининг дастлабки даврида ишлаб чиқилган тушунча ва таърифлар унутилмади, аксинча, бутун Араб халифалиги мамлакатлари илм-фанида кенг миқёсда қабул қилинди. Халифалик тарқалиб кетганидан кейин эса асрлар давомида кўплаб Шарқ мамлакатлари, ислом тарқалган ҳудудларда кенг қўлланди ва эътироф этиб келинди. Инсоният тарихидаги янги фалсафа — “илми ҳикмат” яратилганидан 200 йил ўтиб, аллома Яссавийнинг ўз фалсафий девонига “Ҳикмат” номини бергани ҳам бежиз эмас. Ўз навбатида, илми ҳикмат сифатида фалсафа соҳасига киритилган тушунча ва таърифларнинг нафақат илм-фанда, балки халқ орасида ҳам маълум ва машҳур бўлгани, ўз даврининг энг етук алломаларидан бири, машҳур файласуф бобомиз Ҳожа Аҳмаднинг “ҳикмат” иборасини ўз девонига ном сифатида танлагани эса асло тасодиф бўлмаганидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимги Юнон фалсафасидан кейин жаҳоннинг бирор-бир минтақасида ундан тамомила фарқ қиладиган ва айни пайтда унинг кўплаб анъаналарини давом эттирган, ниҳоятда ўзига хос тушунча ва категориялар, тамойиллар тизимига эга бўлган, кенг ҳудудда тарқалган ва қатор оқимлар, ўнлаб йўналишларни қамраб олган, асрлар давомида сайқалланиб ва такомиллашиб келган илми ҳикматдек ўзига хос ва яхлит фалсафий таълимотлар мажмуи шаклланмаган.

Форобийдан бошланган ушбу серқирра фалсафанинг кейинги ривожида Киндийдан Берунийгача, Ибн Синодан Арабийгача, Насафийдан Ибн Рушдгача, Умар Хайёмдан Улуғбеккача ва улардан кейинги кўплаб Шарқ алломалари, жумладан, жадидлар фалсафасига оид қарашлар ва таълимотларда ҳам илми ҳикматнинг излари ва таъсири яққол сезилиб туради.

Бугунги кунда истиқлол шарофати билан оёққа тураётган “Ўзбек фалсафаси” йўналишида яратилаётган асарлар ҳам ана шу меросга, илми ҳикмат ғоялари, унинг тушунча ва тамойилларига таяниши зарурлиги давр талабига айланганининг энг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда...

Жадид фалсафасида шу асосда асрлар давомида сайқал топган шарқона қадриятлар, халқимизнинг маънавий қиёфаси, тафаккури ва турмуш тарзи, менталитети, урф-одат ва анъаналари, бағрикенглик тамойиллари, барқарорлик ва бунёдкорликка интилиш каби хусусиятларини ифодалайдиган фалсафий тамойиллар, тушунча ва категориялар тизими ҳам ўз аксини топган.

Бу фалсафий тизим халқимиз ҳаётида мавжуд бўлган маънавий меъёр ва мезонлар ҳақидаги тушунчалар асосида шаклланган ва уларга мос келадиган умуминсоний фалсафа ҳамда жамиятимиз тафаккурида акс этган миллий қадриятлар, турли ғоя ва идеалларда намоён бўлмоқда.

## ДАВР ЭҲТИЁЖИ

Президентимиз нутқида бугунги кунда жадидлар мероси ва жадидчилик ҳаракатининг фалсафий масалаларига доир кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш, махсус илмий изланишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлигига алоҳида аҳамият берилгани бежиз эмас.

Ҳолбуки, ушбу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар маълумотига кўра, дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жадид фалсафаси, адабиёти ва маориф тизимини атрофлича ўрганмоқда, боболаримиз мероси тадқиқига алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Бу борада АҚШнинг Колумбия, Мичиган университетларида, Евроосиё миллий университети, Туркман жаҳон тиллари миллий институтида жадид адабиёти намояндалари, адабий сиймолари ҳаёти ва ижоди, жадидчилик ҳаракатининг ғоявий асосларини аниқлаш ва уларнинг ўзбек жадид насри, драматургияси, шеъриятида акс этиши, ўзбек жадид шеърияти морфологияси масалалари тадқиқи йўлга қўйилган.

Анқара ва Эже университетлари, Қозон федерал университети, Хакас давлат университети, Боку давлат университетида жадидчилик фалсафаси ва мафкураси, унинг тарихий ва сиёсий масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Анқарадаги Ҳожи Байрам Вали университети ва Озарбайжон Фанлар академияси Адабиёт институтида жадид матбуоти ва ноширлик фаолияти, жадид атамашунослиги масалаларига доир тадқиқотлар олиб борилган ва бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Калифорния университети ва Карлтон коллежида жадидлар даврида янги мактаблар очилиши, газета-журналлар чоп этилиши билан боғлиқ мавзуларга кўпроқ диққат қилинган.

Токио хорижий тадқиқотлар университети, Мичиган ва Эже университетларида жадидларнинг театр санъати орқали халқни уйғотиш, маърифатли қилиш, саҳна орқали мавжуд муаммоларни гавдалантириш, жадид театри ва санъати, ўзбек жадид драмаси ва шеъриятига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Истиқлол шарофати билан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти фалсафа тарихи бўлимида, ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институтида, Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа тарихи кафедрасида бу борада илмий изланишлар олиб борилган. Ҳозирги даврда ЎзМУ, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда фаолият кўрсатаётган университетларда, ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институтида ушбу йўналишда тадқиқотлар давом этмоқда, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Айни пайтда ҳозирги давр жадид фалсафасидек миллий асосдаги яхлит ғоялар тизимининг илмий, методологик ва амалий жиҳатларини, замонавий таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилиш, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва ундан фойдаланиш имкониятларини тўла-тўкис очиб бериш ниҳоятда муҳим бўлиб, бундай тадқиқотларга эътибор ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда айни шу эҳтиёж:

биринчидан, жадид боболаримиз фалсафий меросини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, айни шу асосда ўзбек фалсафасининг янги давр талаблари даражасига чиқишига эришиш;

иккинчидан, шу асосда янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида халқимизнинг жадидлар орзу қилган замонавий дунёқараши ва ислоҳотчилик тафаккурини шакллантириш;

учинчидан, янгиликларга лаббай деб жавоб берадиган янги жадидлар авлодини тарбиялаш ва ислоҳотчи зиёлилар сафини янада кенгайтириш, шу асосда янги ислоҳотчи ёшлар авлодини вояга етказиш;

тўртинчидан, ушбу жараённинг креатив ва соционик тамойилларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш йўллари ва имкониятлари тўғрисида таклиф ва тавсиялар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш заруратини давр талабига айлантирди.

Шунингдек, юқоридаги жиҳатларни тадқиқ этиш, бу борадаги хориж ва миллий тажрибани умумлаштириш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари учун ҳужжатлар, таҳлилий материаллар, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш учун бир неча кишилик “ақл маркази” сифатида “Жадид фалсафасини ўрганиш илмий маркази”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Президентимиз маърузасида таъкидланган “Жадид” номли янги газета ва унинг электрон версияси ташкил қилиниши, Бухорода Жадидлар мероси давлат музейи бунёд этилишига доир фикрлар бу борадаги қадамларнинг бардавом бўлишидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, жадид мутафаккирларининг халқ тафаккурини ва жамиятни янгилашда фалсафий тамойиллар, миллий ғоя ва маънавий омилларга таяниш соҳасидаги меросини ўрганиш ҳамда бугунги амалиётга қўллашда янги давр бошланаётганини англатади.

Хуллас, янги Ўзбекистон барпо этилаётган ҳозирги даврда миллий тараққиёт учун курашган, истиқлолимизнинг ғоявий ва амалий манбаларини яратишда энг самарали босқич бўлган жадидчиликнинг фалсафий асосларини холисона таҳлил қилиш, ўрганиш ва халқимизга етказиб бериш мутахассислар олдида турган энг муҳим вазифага айланди.




*Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.*

**Умумий қуввати 2400 мегаватт бўлган 6 та йирик қуёш ҳамда шамол станциясининг тармоққа уланиши тадбиркорлик ва кооперация соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 16 январь, 11-сон
www.yuz.uz
yuz.uz_news
yuz



Кун мавзуси

# УЙИМИЗДА “ЯШИЛ” ЧИРОҚ ЁНИШИ УЧУН



## қайта тикланувчи энергия манбалари керак



**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
*техника фанлари доктори, профессор*

**Бошланиши 1-бетда**

Кўпчиликни бирдек қизиқтирмайдиган, истеъмолчигача етиб бориши арзимас масаладек туюладиган электр токини ишлаб чиқаришга улкан миқдорда кўмир ва газ сарфланиши натижасида биз ва фарзандларимиз нафас олаётган ҳаво нечоғлиқ ифлосланишини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Экспертлар фикрича, бу ҳолат фақат Ўзбекистонда эмас, балки аксарият давлатларда ҳануз кечмоқда. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида энергия ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳали ҳам кўмир ва табиий газга тобе бўлиб қолаётир. Кўмир ва газ ёқилишидан атмосферага чиқадиган иссиқхона гази эса ниҳоятда кўп ва бу иқлим ўзгариши, глобал исиш сингари экологик муаммоларни юзага келтирмоқда.

Мазкур глобал хавфларнинг олдини олиш, бинобарин, табиий ресурсларни асраш учун ягона йўл электр энергетикаси соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш экани минтақамиздаги улкан инновацион энергетик ислоҳотларда гавдаланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда энергетика соҳасида ҳам янги давр бошланди. “Яшил” иқтисодиётни илгари суриш ва “яшил” ривожланиш тамойилларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона гази ташланмаларини қисқартириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида халқаро донор ташкилотларнинг техник кўмаги жалб этиляпти.

Ўзбекистон ва БАА ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида ўтган йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди, мамлакатимизда 45 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Бу рақамлар гапиришга осон. Амалиётда эса улкан инновацион ислоҳотларни талаб этади.

2022 йил Навоий вилоятида юртимиздаги биринчи қуёш электр станцияси айнан БААнинг “Masdar” компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган эди. Бугун у бир кеча-кундузда 1 миллион 180 минг киловатт-соат электр энергияси етказиб беряпти. Бу ҳақиқий инновацион ислоҳотлар натижаси, деса бўлади.

Соҳада яна 5 та йирик лойиҳани амалга оширишга келишилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати қарийб 3 миллиард доллар. “Mubadala” ва “TAQA” компаниялари билан ҳамкорликда Таллимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ва қувватини ошириш, “Masdar” компанияси билан Навоий вилоятида шамол, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қуёш электр станцияларини қуриш бўйича келишувлар иқтисодиётимизни жонлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур лойиҳалар энергетика тизими барқарорлигига ҳамда иқтисодиёт тармоқларига инвестиция оқимининг янада кўпайишига замин яратмоқда. Хусусий сектор ва хорижий компанияларнинг кириб келиши учун қулай имконият яратилди. Пировардида янги Ўзбекистонда “яшил” энергетика ва “яшил” иқтисодиёт ҳуқуқий ва институционал дастурланди, ҳаётимизга кенг татбиқ қилинмоқда.

Ҳар бир соҳа тараққиёти илмий прогнозларга таянади. Шу боис, мамлакатимизда “яшил” энергетикани кенг татбиқ қилиш учун халқаро маслаҳатчи ва консалтинг компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Икки йил давомида юртимизда қуёш, шамол ва сув энергетикасини ривожлантириш имкониятлари илмий тадқиқ қилинди. “Яшил” энергия ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистондаги табиий имкониятларга эга қулай, самарали ҳудудлар харитаси ишлаб чиқилди. Чет эллик инвесторларнинг тақдим қилган илмий-амалий асосга эга лойиҳалари билан юртимизда “яшил” энергия ишлаб чиқиш истиқболли эканига ишончи ортиб бормоқда.

“Яшил” энергия дебочаси сифатида дастлаб юртимизда 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан Кармана ва Нуробод туманларида 2 та қуёш станцияси ишга туширилиб, 1 миллиард киловатт-соат “яшил” электр энергияси ишлаб чиқарилди. Айни пайтда умумий қуввати 2400 мегаватт бўлган 6 та йирик қуёш ҳамда шамол станциясининг тармоққа уланиши тадбиркорлик ва кооперация соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Кенг кўламли энергетика ислоҳотлари ўзидан-ўзи бўлиб қолгани йўқ. Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва кенг қамровли ҳамкори бўлган БААнинг “Masdar” компанияси бунга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, компания томонидан Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 3 та қуёш электр станциясининг биринчи босқичи барпо этилгани улкан ютуқлардан бўлди.

“Masdar” компанияси Томди туманида барпо этаётган замонавий шамол станциясининг 100 мегаваттли платформаси ишга туширилмоқда. “Gezhouba” компанияси билан эса Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги қуёш станцияларининг дастлабки 400 мегаваттли генерацияси фойдаланишга топширилади. Умумий қиймати 2 миллиард долларлик бу лойиҳалар ҳисобидан йилига 6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, икки миллиард куб метр табиий газ тежалиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Бу кони фойда, тежаб қолинган газ иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлайди.

“Masdar” компанияси билан тузилган янги келишувларга кўра, яна 2 миллион хонадон узлуксиз ва кафолатли электр энергияси билан таъминланади. Саноат ва хизматлар соҳасида 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратилади.

Глобаллашув шароитида ишлаб чиқариш занжири ва логистика билан боғлиқ муаммолар қанчалик мураккаб бўлмасин, янги Ўзбекистонда “Masdar”, “China Energy”, “Goldwind”, “Sungrow”, “Jolywood”, “Longi” каби компаниялар фаолияти энергетикани ривожлантиришга қаратилган улкан тарихий бурилишдир. Давлатимиз раҳбари мазкур компаниялар раҳбарлари билан самимий мулоқотда “яшил” энергетика ривожига катта рағбат билан жадал ўтилаётганини, 2030 йилга бориб, саноат ҳажмини 2 карра ошириш, металлургия, нефть-кимё ва машинасозлик каби соҳаларни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтариш пировард мақсад эканини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лойиҳасини амалга ошириш белгилаб олинди. Келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 миллиард киловатт-соатга ўсиши ҳисоб-китобларда қайд этилгани таҳлил қилиниб, бу эҳтиёж “яшил” энергетикадан қопланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Дубайда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида дунё мамлакатлари “яшил” генерацияни 3 баробар ошириш бўйича келишувлар имзолаганини таъкидлади ва 2030 йилгача “яшил” энергетика манбаларини 27 гигаваттга етказиш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттиришини маълум қилди.

“Яшил” энергетикани ривожлантиришга юртимиз иқлими мос келиши ҳисобга олиниб, қуёш панеллари ўрнатишга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатли сотиб олиш бўйича “Қуёшли хонадон” тизими йўлга қўйилгани оилавий тадбиркорлик ривожи учун ниҳоятда муҳим.

Ҳозир глобал миқёсда “яшил” энергиядан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга алоҳида устунлик берилаётгани “Яшил энергия” сертификатини кенг жорий қилиш имконини беради. Ҳар бир ҳаракатнинг натижаси бўлганидек, Ўзбекистон келгусида аниқ режа ва қатъий саъй-ҳаракатлар орқали “яшил” энергияни Осиё ва Европа мамлакатлари бозорига етказиб бериш бўйича дастлабки қадамларни ташлаяпти.

Ушбу соҳа саноатнинг бошқа тармоқлари ва сервисни ривожлантиришга жуда катта ижобий туртки беради. Бугунги лойиҳалар доирасида 100 миллион долларлик электр жиҳозлари ва қурилиш материаллари маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Айни вақтда юртимизда тўртта корхона қуёш панели, яна иккита корхона металл конструкция ишлаб чиқара бошлади. “Яшил” энергия соҳасидаги элликка яқин лойиҳа эса қўшимча 500 миллион долларлик кабель бозорини яратмоқда. Юртимизда 9 гигаваттли 22 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш лойиҳалари устида жадал ишланмоқда.

Келгуси беш йилда жами 70 минг километр паст кучланишли электр тармоқлари, 22 минг дона трансформатор, 100 дан ортиқ подстанция тўлиқ янгиланади. Шунингдек, 10 минг километр юқори кучланишли янги магистрал тармоқлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Аслида, қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқаришнинг 97 фоиз улуши қуёш энергиясига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга кўра, офтобли кунлар йилига ўртача 320 кунни ва фаол қуёш нури тушиш давомийлиги 3 минг соатни ташкил этиши боис, юртимизда унинг қуввати йилига 525-760 миллиард киловатт-соатгача етади. Бу “яшил” энергетикадан фойдаланиш орқали халқимиз эҳтиёжини қондириш баробарида, қўшни давлатларга сотиш учун ҳам бемалол электр энергияси ишлаб чиқариш учун етарли имкониятга эгалигимизни англатади. Албатта, бунга эришиш, соҳани ривожлантириш учун бор куч ва имкониятларни, ташвиқот ва тарғиботларни кучайтириш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш зарур.

Нафақат улкан лойиҳаларни ишга тушириш, балки соҳа ривожига хизмат қиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, рақамлаштириш дастурларини татбиқ қилиш, “яшил” энергия ишлаб чиқаришда жисмоний ва юридик шахсларга зарур имтиёзлар бериш, субсидиялар ажратиш, солиқларда енгилликлар бериш ёки муайян даражада улардан озод қилиш каби ишларни янада жадаллаштириш айни муддао.





Нуқтаи назар

# АНИҚ МАНЗИЛЛИ ЧОРАЛАР

## камбағалликни қисқартиришга сезиларли таъсир этади

**Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,**
*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бош илмий ходими, география фанлари бўйича фалсафа доктори*



**Ҳаётда одамлар моддий, руҳий, ижтимоий ва бошқа жиҳатлар бўйича турли даражада таъминланган бўлиб, бу ҳолат жамиятда уларнинг тоифаларга ажралишига олиб келади. Аниқроғи, кимдир бой, кимдир ўртаҳол, кимдир камбағал бўлиши мумкин. Лекин аҳоли турмуш кечириш даражаси ва сифатини ажратиш мумкин бўлган дунёда ягона таърифлар мавжуд эмас. Бироқ аксарият мамлакатлар ўз ички имконияти ва маҳаллий менталитетидан келиб чиқиб, аҳолисини турли тоифаларга ажратиши мумкин.**

Бундан кўзланган мақсадлар ҳам турлича. Бирламчи мақсад аниқ: турмуш кечириш сифати паст бўлган тоифаларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш, жамиятдаги даражасини ошириш. Чунки ҳар қандай жамиятда бой ва ўзига тўқ инсонларга нисбатан паст даромадли ҳамда камбағаллар муаммолари кўпайиши хавфлироқ бўлиши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан, қуйидаги таҳлилда камбағал ким, қашшоқ ким, умуман, бундай тоифаларга кирувчилар билан қандай муносабатда бўлиш керак, деган саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.

БМТнинг 2019 йилда бўлиб ўтган Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммитида қашшоқлик тушунчаси инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, доимий очлик ҳамда тўйиб овқатланмаслик, турар жой, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланиш имкони йўқлиги, хавфли бўлган табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилган.

Халқаро ташкилотнинг бошқа бир манбасида инсон ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, оиласини таъминлаши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши, даромад олиш имконияти чеклангани каби ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан чегаралангани, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги камбағаллик сифатида қайд этилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ таъбирича, ҳанафий мазҳаби таърифида “мискин” — ҳеч нарсаси йўқ одам. “Фақир” эса баъзи нарсалари бор-у, лекин моли шаръий нисобга етмаган одамдир”. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мискинни қашшоқ, камбағални эса фақир инсон деб талқин қилиш мумкин.

Қашшоқлик ва камбағалликдан чиқиш хусусида гап кетганда, Хитой тажрибаси алоҳида тилга олинади. Чиндан ҳам ушбу мамлакат бу борада ўзига хос тажрибага эга. Хитой Халқ Республикасида камбағаллик бўйича амалга оширилган ислоҳотлардан маълумки, мамлакатда “2 эҳтиёж” ва “3 кафолат” дастури амалда бўлган. Дастурдаги 2 эҳтиёж бу — озиқ-овқат ва кийим-кечак, 3 кафолат эса таълим, соғлиқни сақлаш ва турар жойни билдиради. Бунда, аввало, инсоннинг бирламчи эҳтиёжларига эътибор қаратилган, яъни Хитойда аҳолининг ана шу кундалик эҳтиёжларини ҳам таъминлай олмайдиган қатламига биринчи галда ёрдам кўрсатилган.

Демак, юқоридаги барча мисол ва таърифлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўз кундалик бирламчи эҳтиёжлари — таом ва кийим-кечакни топа олмайдиган инсон ёки оила қашшоқ, ана шу бирламчи эҳтиёжларни топа оладиган, аммо ўзидан орттира олмайдиган тоифалар камбағалдир.

Яъни қашшоқлик ва камбағаллик мутлақо нисбий ва барча бирдек қабул қилган якуний таърифга эга бўлмаган тушунчалардир. Ана шу нуқтаи назардан, кимдир ўзини камбағал деб ҳисоблаши, яна кимдир эса қашшоқдек ҳис қилиш мумкин. Бироқ мамлакат қонунчилигига мувофиқ, бир ойда 568 минг (ушбу миқдор “минимал истеъмол харажатлари қиймати” деб номланади ва у маълум бир вақтда ўзгаради) сўмдан паст даромад олувчи инсон (ёки оиладаги жон бошига ана шу миқдордан паст даромад қилувчи оила) камбағал сифатида қайд этилади.

> **Ўзбекистонда ҳам камбағал оилаларга нисбатан паст даромадли ва камбағаллик ҳолатига тушиш хавфи остидаги аҳоли ва оилалар сони кўпроқ. 2022 йил якунлари бўйича мамлакатда камбағаллик даражаси 14,1 фоизни ташкил этган.Бу жами аҳолининг 5 миллионга яқини шундай шароитда яшайди, дегани.**

Ўзбекистонда ҳам қашшоқлик тоифасидаги инсонлар бор. Ўтган йили ижтимоий тармоқлар орқали Жиззах вилояти Зомин тумани шифохонаси ҳовлисида бир бемор эркак ачинарли аҳволда ётгани акс этган видео тарқалиб, муҳокамаларга сабаб бўлганди. Юқоридаги таърифларга мос ҳолда ўта ночор ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонни қашшоқ сифатида таърифлаш мумкин. Аммо Ўзбекистонда ҳукумат ва жамият томонидан ана шундай тоифадаги инсонларга бефарқ бўлинмаслиги, улар деярли тўлиқ таъминотга олиниши маълум.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида “Меҳр-саховат уйи” уй-жойсиз шахсларни реабилитация қилиш маркази мавжуд бўлиб, муассаса гарчи 200 кишига мўлжалланган бўлса-да, пандемия пайтида у ерда истиқомат қилувчилар 1200 нафаргача кўпайган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вақтинчалик қийин вазиятга тушиб қолган ва бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат ва кийим-кечак) қондира олмайдиган шахсларни қабул қилиб, ёрдам кўрсатадиган марказлар мавжуд, бироқ пойтахтдаги муассаса каби доимий яшаш имконияти йўқ.

Бевосита қашшоқ таърифига мос келувчи инсонларни давлат ва жамият томонидан муҳофаза қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва тўлиқ таъминланиши, ҳатто баъзиларига ижтимоий нафақа тайинланиши туфайли улар қашшоқ қатлам сифатида талқин қилинмаслиги мумкин.

Камбағал деб талқин қилинадиган тоифаларга алоҳида (ёки биргаликда) ўз турар жойига (ёки ижарада, вақтинча, нотурар ҳамда оғир шароитли), у ёки бу шаклда даромадга эга, ҳаёт кечириш учун зарур бўлган минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган миқдорда даромад олувчи оилаларни киритиш мумкин. Бунда даромад етарли бўлсада, уй-жой шароити оғир, инфратузилмалар мавжуд бўлмаган ёки эскирган, кутилмаган харажатлар учун жамғарма орттира олмайдиган тоифалар ҳам назарда тутилмоқда.

Хўш, бундай тоифаларни ажратишдан мақсад нима?

Бундай тоифадаги инсонларга манзилли ва аниқ ёрдам берадиган ислоҳотлар, механизмлар ишлаб чиқиш зарур. Яъни амалдаги тартиб бўйича минимал истеъмол харажатлари қийматини қабул қилишдан мақсад — камбағаллар сонини аниқлаш эмас, биринчи галда ижтимоий ҳимоя стандартларини белгилаб олиш. Янада соддароқ айтсак, пенсия, нафақа ва моддий ёрдам каби ижтимоий тўловларни белгилаш, уларнинг энг кам миқдорини камбағаллик чегарасидан ошириш ҳисобланади.

Аввалги тартиблар бўйича инсон фактори аралашган ҳолда оилаларга ижтимоий нафақалар тайинланган бўлса, ҳозирги пайтда “ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ажратилади. Бунда ўшандай тоифаларни ажратиб олиш учун бевосита минимал истеъмол харажатлари қийматидан фойдаланилади.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, шахсий даромадини, касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш каби зарур ислоҳотларда камбағал аҳолига эътибор қаратиш, уларни ажратиб олиш муҳимдир.

Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан бот-бот такрорланадиган яна бир жиҳат бор: мамлакатлар, биринчи навбатда, камбағал аҳолини камбағалликдан чиқариш эмас, паст даромадли ва бу чегарадан тушиб кетиш хавфи мавжуд бўлган оилалар билан кўпроқ ишлаши, уларга эътибор қаратиши лозим. Одатда оилада жон бошига даромадлар ҳажми минимал истеъмол харажатларининг 1,5-2 баробаридан паст бўлса, улар камбағаллик чегарасидан тушиб кетиш хавфи остидаги аҳоли, дейилади.

Ишлаб чиқиладиган механизмларда уларни ҳам инобатга олиш тавсия этилади. Чунки Ўзбекистонда ҳам камбағал оилаларга нисбатан паст даромадли ва камбағаллик ҳолатига тушиш хавфи остидаги аҳоли ва оилалар сони кўпроқ. 2022 йил якунлари бўйича мамлакатда камбағаллик даражаси 14,1 фоизни ташкил этган. Бу жами аҳолининг 5 миллионга яқини шундай шароитда яшайди, дегани.

Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар камбағалликни қисқартиришга тўғридан-тўғри ижобий таъсир этмоқда. Аммо юқори демографик ўсиш, иқтисодиётдаги баъзи тўсиқлар, ҳамкор мамлакатлардаги кутилмаган салбий ҳолатлар, шунингдек, ноқулай иқлим ижобий ўзгаришлар таъсирини камайтирмоқда. Ушбу ҳолатда ҳукумат ва жамият бир-бирини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, камбағалликни қисқартиришга ёндашиши, аввало, манзилли ёрдамни янада кучайтириши, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида камбағалликдан чиқиб кетиш ва қайта тушмаслик учун мотивацион ҳамда психологик тарғиботни кучайтириши, ҳозирда давом этаётган маҳаллалар кесимида инфратузилмаларни янада ривожлантириши, аҳолини тадбиркорликка рағбатлантириш талаб этилади.

Шунингдек, аҳоли томонидан жавоб тариқасида давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, имтиёз ва ёрдамлардан эгри мақсадда фойдаланмаслик, қонун ва тартибларни четлаб ўтмаслик, ҳақиқий эҳтиёжманд ва қашшоқ инсонлар ҳақини ейишдан тийилиш, камбағал бўлса, болалари ҳам бундай ҳолатга тушмаслигига интилиш каби қадамлар ташланиши лозим. Чунки камбағаллик айб эмас, ундан чиқиб кетишга интилмаслик айбдир.

## Халқаро тажриба

# ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА



**Фарғона вилоятидаги 19 та умумтаълим мактабининг бошланғич синфларида синов тариқасида Япония таълим тизими татбиқ этилди. Мутахассислар эътирофига кўра, янги таълим-тарбия тизими ўқувчиларнинг фанларни тез ва осон ўзлаштириши, ўзаро дўстона муносабатда бўлишига хизмат қилмоқда.**

Қўқон шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактаби шу йўналишда иш олиб бораётган таълим даргоҳларидан бири. Бу ерда бошланғич 9 та синфга 308 нафар ўқувчи қамраб олинди. Улар учун алоҳида бино ажратилиб, барча бошланғич синфлар бир жойга жойлаштирилди. Ўқув биносининг кириш ва чиқиш йўлаклари, зина ва зина ости ҳудудлари гилам билан қопланди. Бинонинг кириш қисмида телефон сақлаш ва ўқувчилар оёқ кийимларини алмаштириши учун жавонлар ўрнатилди. Коридор ва синф хоналарига хонаки гуллар келтирилди. Ўқувчилар овқатланиб бўлгач, қўллари ва ўзлари таомланган идишларни ювиши учун алоҳида хона, сув иситиш жиҳозлари, идиш ювиш жойи, ювиш воситалари ва салфеткалар билан таъминланди.

Бундан ташқари, 12 нафар бошланғич таълим ўқитувчиси учун алоҳида хона ташкил этилиб, керакли шарт-шароит яратиб берилди. Ҳар бир бошланғич таълим ўқитувчисига ноутбук, ўқитувчилар хонаси учун эса алоҳида рангли принтер ажратилди. Биринчи синф хоналарига электрон доскалар ўрнатилди, ўқувчилар планшет билан таъминланди. Бошланғич синфлар таълим олувчи хоналарга қўшимча магнит доскалар, шахсий буюмлар сақланадиган жавонлар ўрнатилди. Мактаб биноси тезкор шиша толали интернет ҳамда Wi-Fi тармоғига уланган.

— Бу тизим қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатяпти, десам муболаға бўлмайди, — дейди мактаб директори Ферузахон Қаҳҳорова. — Буни ўқувчиларнинг машғулотларга бўлган иштиёқи, фанларни тез ўзлаштириши, юриш-туриши, бир-бирига дўстона муносабатидан ҳам илғаб олиш мумкин. Ҳеч ким сабабсиз дарс қолдирмайди. Бошқа ўқувчилар каби тўполончи эмас. Ҳар бир ҳолатга эътибор билан қарашга ўрганишмоқда. Бу борада ўзига хос тадқиқот ҳам ўтказдик. Танаффус вақтида синфхонага, мактаб ҳовлисига турли қоғоз ва бўш идишлар ташлаб қўйдик. Ўқувчилар бу ҳолатга аввалгидек бефарқ бўлмади. Ҳамжиҳат бўлиб ўқув хоналари, мактаб ҳовлисини тартибга келтиришди. Чунки Япония таълим тизимида ўзи ва ўзгалар меҳнатини қадрлашга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларда меҳнат қилиш кўникмасини шакллантириш мақсадида мактаб ҳудудидаги экин ерлари синфларга бириктирилиб, керакли



меҳнат қуроллари билан таъминланди. Улар меҳнат қилиш асносида она табиатни асраш, унга тўғри муносабатда бўлиш, ўқув машғулотларни амалий иш билан боғлаш имкониятига эга. Бошланғич синфларда математика ва информатика фанидан робототехника тўгараги, япон тилини ўргатувчи “Семпай” клуби фаолияти йўлга қўйилди.

Синфхоналардаги тозалик, саранжом-саришталик ҳавасингизни келтиради. Бу ишларни фаррош эмас, балки ўқувчиларнинг ўзи қиляпти. Ҳар бир бошланғич синф хонаси зарур тозалов воситалари билан таъминланган. Синфхоналарда овқатланишни ташкил этиш мақсадида синмайдиган сифатли идиш ва патнислар, сақлаш жавонлари билан жиҳозланди. Тушликдан сўнг идиш-товоқларни ювиш ва сақлашни ўқувчилар мустақил амалга ошириш тартиби жорий этилган.

— Машғулотларни мунозара ва баҳсга бой тарзда ўтказишга эътибор қаратамиз, — дейди бошланғич синф муаллимаси Ёқутхон Зокирова. — Ўқувчиларнинг дарсдаги иштироки, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси ва малакасини ошириб бориш муҳим. Бу эса ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш билан бирга, дунёқарашини кенгайтириш ва изланишга, уларда ҳар бир жараёнга муносабат билдириш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Япония таълим-тарбиясида болаларга овозни баландлатиб гапириш мумкин эмас. Ўқувчилардан ҳам шу талаб этилади.



Ўқувчиларнинг япон тилида бийрон сўзлаши, планшетдан моҳирона фойдаланиши, робототехника соҳасида олиб бораётган тажрибаси эътиборга молик. Ўқувчилар томонидан яратилган робот йўлдаги тўсиқлардан сизни огоҳ этади. Синф бурчаги ва ўқувчиларнинг навбатчилик, дарсдан кейинги машғулотлар жадвали ташкил этилган.

— Ўғлим шу мактабнинг бошланғич синфида таълим олмоқда, — дейди Нурхон Абдураҳмонова. — Бундай таълим-тарбия уй ва кўча-кўйдаги хатти-ҳаракатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фанларни, айниқса, информатика ва япон тилини ўзлаштириши жуда яхши. Вақтини беҳуда ўтказмасликка, ака-укаларига ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Мактабда мусиқа хонаси ташкил этилиб, 12 турдаги миллий чолғу асбоблари билан жиҳозланди. Бу бежиз эмас. Япония таълим тажрибасида ҳар бир ўқувчи ўз хоҳишига кўра, миллий чолғуларни ижро эта олиши белгиланган. Ўқитувчилар ўқув йили давомида ҳар бир ўқувчининг ота-онаси билан учрашиб, фарзандининг фанларни ўзлаштириши ва хулқи юзасидан алоқа дафтарлари жорий этилди.

— Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлаш қобилиятини шакллантириш бош ғояси бўлган Япония таълим тизими юқори билим бериш билан бирга, тозаликка риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини болаликдан ўргатиш, ёшликдан касбий таълимга йўналтириш, меҳнат кўникмасини ривожлантириш каби жиҳатлари билан ажралиб туради, — дейди Фарғона вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Озода Раҳмонова. — Танлаб олинган барча мактабларда кунлик машғулотлар одоб дарслари билан бошланади. Таълим масканларининг моддий-техник базаси ҳамда санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилди. Токио шаҳридаги “Имаи” элементар мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси Гото Микако ҳамда робототехника ва аниқ фанлар бўйича япониялик профессор Коганезава Коичи Фарғона вилояти ҳокимининг таълим бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Япония методикасининг айрим усулларини жорий этиш “Фарғона тажрибаси” бўйича ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари информатика фани ўқитувчиларига робототехника ва тўгараклар ташкил этиш тўғрисида, ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари бошланғич синфларда математика дарсини ташкил этиш бўйича ўқитувчиларга ZOOM дастури орқали амалий машғулотлар олиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Мактабларда ўқитувчилар учун ҳам етарли шароит яратилган. Ўқитувчилар хонаси кунлик тажриба ва фикр алмашиш, дарсга киришдан олдин режа ҳамда дарсдан сўнг якунлар бўйича доимий очиқ муҳокамалар ўтказиш майдончасига айлантирилди. Ҳар бир ўқитувчининг алоҳида ишлаш жойи бўлиши таъминланди. Мактаблар ҳудуди ва йўлакларида кўплаб қўл ювиш воситалари ўрнатилди. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун миллийликка хос бўлган кийиниш тартиблари жорий қилинди.

Бу йўналишдаги тажрибани оммалаштиришга қаратилган ўқув-амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Бошланғич синфларда очиқ дарслар, тўгарак машғулотлари ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор бериляпти. Ўқитувчилар ижодий ишлаши учун методик хона, услубий қўлланмалар, техник жиҳозлар, ўқув хоналарига электрон доска, магнит доска, телевизор, камера ва радиоузеллар ўрнатилди.

Сирасини айтганда, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди. Фарғона вилояти умумтаълим мактабларида олиб борилаётган бундай тажриба ўқувчилар билим ва кўникмасини ошириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Фанлар академияси жабҳаларида

**Қаҳрамон ДАВРОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директори, академик**



**Халқимизда “Олим бўлсанг, олам сеники” нақли бежиз айтилмаган. Бу йўлдаги меҳнат ва изланишлар қанчалик рағбатга муносиб эканини ўз ҳаётимда кўрдим, ҳис қилдим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклигига сайланишим ҳаётимдаги энг ёрқин, унутилмас воқеликлардан бири бўлди. Албатта, бу юксак мукофотнинг ўз талаблари бор. Уларни бирин-кетин қўйиш, орасида устуворликни белгилаш осон иш эмас, чунки талаблар бир-бири билан узвий боғлиқ кўрсаткичлардир. Қолаверса, академик ўз соҳасида мактаб яратган, халқаро миқёсдаги ҳамкасблари томонидан эътироф этилган бўлиши керак.**

# ИЛМ ОРҚАЛИ ЭЪТИБОР ҚОЗОНИШ, ЭЪЗОЗ ТОПИШ — БУЮК ШАРАФ

Академиклар қаторига қўшилганимни эшитгач, беихтиёр умрнинг ортда қолган йиллари, меҳнат ва изланишлар кўз ўнгимдан ўтди. Камтарона хизматларим Президентимиз томонидан юксак эътироф этилганидан жуда қувондим.

1967 йил Тошкент Фармацевтика институтини тугатиб, Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтига ишга юборилдим. Академик Собир Юнусов ташкил қилган ва ўша даврда ҳам директорлик қилиб турган бу институтда оддий лаборант, стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишладим, аспирантурада таҳсил олдим. 1972 йили “Пахта чигити малатдегидрогеназасини ўрганиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, кимё фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлдим. 1984 йилда эса ЎзРФА Биокимё институтида “Oospora lactis ва Rhizopus microsporus замбуруғларининг липазалари: биокимёвий жиҳатлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим ҳамда биология фанлари доктори илмий унвонига эга бўлдим. 1999 йилда эса профессор илмий унвонига тасдиқландим.

Илмий фаолиятим кўз илғамас тирик организмларнинг потенциал имкониятларини очиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Менимча, биологиянинг энг муҳим ва сермаҳсул йўналишларидан бири — табиатнинг бир қисми бўлган, ҳаётнинг кўз илғамас аъзоларини чуқур ўрганиш орқали уларнинг биотехнологик потенциалини очиш ҳамда улардан инсон эҳтиёжларини қондириш йўлида фойдаланишдан иборат.



Ўзингиз ўйланг, мамлакатимизнинг турли экологик зоналарида яшовчи, кўзга кўринмас (катталиги микронлар билан ўлчанадиган) тирик организмларни ажратиб, тозалаб олиш, хилма-хиллиги ва турли хусусиятларини ўрганиш, бу хусусиятлардан фойдаланиш мақсадида уларни ўстириш, кўпайтириш, улар синтез қиладиган биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ҳамда фойдали томонларини очиб бериш ўта мураккаб иш. Бир мисол келтирай: Оролнинг қуриган ҳудудидан ёки сувидан микроорганизмлар ажратиб олиш, туз босган қум ёки номакобда қандай микроблар яшайди, улар нима билан озиқланади, уларнинг шўрга, иссиқ ва бошқа стресс шароитларга чидамлилигини ҳамда биотехнологик потенциалини (имкониятларини) ўрганишни талаб қилади. Бунда ўта нозик ва нафис ишларни бажариш фақат ўз касбини юракдан севган, ҳақиқатан, “нина билан қудуқ қазувчилар”нинг қўлидан келади, холос. Тадқиқотларимиз натижасида мочевинани парчалайдиган, уреаза ферментини синтез қилувчи микроблар борлиги аниқланди. Бу микробдан биобетон тайёрлаш ва тиббиёт амалиётида фойдаланиш мумкин экани кўрсатиб берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

### СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР

Бугун мамлакатимизда илм-фанга, олимларга қаратилаётган эътиборни кўриб, шу соҳа ривожи йўлидаги чекинишлар, эврилишлар кўз олдингиздан бир-бир ўтади.

Бир неча йиллар давомида фанга бўлган муносабат бўшашиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Фан ва таълим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таълим замон талабида бўлмаса, мактабларда ўқитиш сифати пасайиб кетган бўлса, институтларга ўқишга кириш ва унда ўқиш бир аҳволга тушиб қолган ҳолда бундай “олий маълумотли” мутахассислардан нима кутиш мумкин?!

Шукрки, сўнгги 6-7 йилда таълимга, илмга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу қисқа вақт ичида маърифат, таълим, илм-фан соҳаларини ривожлантириш учун кўплаб қонунлар, фармонлар, қарор ва фармойишлардан иборат ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Илм-фанни юксалтиришда, унинг янгиликлари, кашфиётларини амалиётда қўллашда, янги технологияларни яратишда олий ўқув юртларининг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун мамлакатимизда таълимнинг бу соҳасида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, республикамизда ҳар йили чет эл олий ўқув юртларидан 5-6 таси ўз филиаллари, факультетларини очмоқда. Бу эса ёшларимизнинг Ватанда туриб, хорижий олий ўқув юртларида таълим олишига имкон яратмоқда.

“Фан соҳалари рейтинги”да 2 та олийгоҳ 4 та фан соҳаси бўйича “ТОП-500”, “Осиё университетлари рейтинги — 2024” рўйхатида 14 та олийгоҳ “ТОП-1000”, “Барқарорлик — 2024” рейтингида 3 та олийгоҳ “ТОП-1000” университетлар рўйхатидан жой эгаллади.

“Scopus” ва “Web of Science” базалар журналларида мақолалар сони 3574 та, “Хирш” индекси беш ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сони 417 нафарга оширилди. Олий таълим муассасалари илмий салоҳияти 41 фоизга етди. Бунда илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчилар сони 2023 йилда 6265 нафарни ташкил қилиб, 26,4 фоиз ўсишга эришилди.

Олий ўқув юртлари фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар, янгиланишлар, ислоҳотлар давом этади. Уларга келгусида босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик бериш мўлжалланган. Бу эса ҳар бир олий ўқув юртидан илмий потенциални кучайтиришни, илмий ихтиролар, кашфиётларни ҳаётга татбиқ қилишни, шу орқали молиявий аҳволини яхшилашни талаб этади. Олийгоҳларда амалий натижа бермайдиган ёки кимгадир унвон учун хизмат қиладиган ноилмий изланишларга чек қўйилади. Шу билан бирга, жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларидан 5 таси танлов асосида олиниб, хориждаги нуфузли олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация ишлари амалга оширилади. Яъни хорижий олий таълим даргоҳларининг энг яхши илмий тажрибалари танланган олий ўқув юртлари фаолиятига тўла татбиқ қилинади, уларнинг ижтимоий ҳаёти, илмий фаолияти янгиланади.

Илм-фанни ҳаётга татбиқ этиш, уни жамият тараққиётига хизмат қилдириш, янги технологияларни яратишда асосий роль ўйнайдиган ва етакчилик қиладиган муассасалардан бири Ўзбекистон Фанлар академияси ҳисобланади. Сир эмас, бундан 6-7 йил илгари Фанлар академиясининг фаолияти сустлашиб, унинг тармоқлари бўлган илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга кам татбиқ қилинадиган бўлиб қолганди. Сўнгги йиллар ичида мамлакатимизда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тизимни ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини яхшилашга оид кўплаб фармон ва қарорлар чиқарилди. Академия тизимини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Унинг таркибидаги қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказларнинг фаолияти қайта тикланди. Академия таркиби сайловлар асосида янги аъзолар билан тўлдирилди. Илмий ишланмалар, янгиликлар, кашфиётларни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида олимлар билан корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик қилиш ишлари давом этмоқда. Мамлакатимизда илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий валютада грантлар ажратилгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

2017 йилдан кейин Фанлар академияси таркибий тузилишида ҳам баъзи ўзгаришлар амалга оширилди. Илгари академия таркибида Қорақалпоғистон Республикаси филиали ва Хоразм Маъмун академияси фаолият юритарди. Эндиликда филиал Фанлар академиясининг бўлимига айлантирилди. Шу билан бирга, Навоий вилоятида академиянинг янги бўлими ташкил этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси илм-фан соҳасида янги кашфиётлар, технологиялар, модуллар яратувчи муассасага айланмоқда.



Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган улкан ислоҳотлар юрт келажагига, истиқболига ниҳоятда катта эътибор билан қаралаётганини кўрсатади. Лекин дунёда янгиланишлар, ўзгаришлар юз бераётган экан, илм-фан соҳасига эътиборни янада кучайтириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

### ҚАЙСИ ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛДИ?

Замонавий дунё жуда жадаллик билан тараққий этиб бораётир. Деярли ҳар куни таълимнинг турли соҳаларида илмий янгиликлар эълон қилиб туриладди, инсониятнинг ҳаёти ва хўжалик соҳалари учун янги технологиялар яратилмоқда. Глобал ахборотлаштириш ва рақамлаштириш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Нима сабабдан айнан биология бугунги кун тараққиётида муҳим роль ўйнайди? Бугунги кунда энг етакчи фан қандай масалалар ечимини топиш устида фаолият олиб бормоқда?

Инсон ҳаёти биологик қонуниятлар асосида кечади. Организмни, шахсни, саломатликни сақлаш, қулай муҳит яратиш, организмнинг захираларидан фойдаланиш, умрни узайтириш, ҳаётий таъминот муаммоларининг ечимини топиш, табиий шароитларнинг ўзгариб, захираларнинг пасайиб бориши, сайёрамиз табиатини сақлаб қолиш, табиий ресурслардан, биотехнологиялардан фойдаланиш, космосни ўзлаштириш ва бошқа кўплаб муаммолар биология фани берган билим ва унинг ривожланиши, шунингдек, энг янги ютуқлари асосида ўз ечимини топади.

Замонавий биология — кўплаб йўналишларни ўз ичига олган комплекс фан. Бу йўналишлар бирбиридан тадқиқот объектлари билан фарқ қилади ва бугунги кунда ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдириб турадиган мустақил фан сифатида шаклланган. Улардан баъзилари, масалан, ботаника, зоология, анатомия, тиббиёт қадим-қадимдан маълум. Цитология, микробиология, генетика, биокимё, биофизика, бионика кабилар эса эса илмий-техник тараққиёт асосида яқинда шаклланган. Яна бир йўналишлари энди шаклланиб, ўзларининг тадқиқот методлари ва бирламчи қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланади. Хусусан, синтетик биология, нанобиология, бионика, нутригеномика ва нутригенетика, меметика, нейроэкономика, сонацитология, квант биологияси, нейропаразитология ва бошқалар соҳа тараққиётининг ривожига хизмат қилади.

Шу билан бирга, муаммолар ҳам йўқ эмас. Озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик муаммолар, глобал ҳарорат кўтарилиши ва сув танқислиги ечимини топишда микроорганизмлар фаолиятига мурожаат қилинади. Бугунги кунгача ўрганиб келинадиган микроблар сони табиатда учраши мумкин бўлганларининг 1 фоизини ташкил қилади, холос. Қолган 99 фоизи ҳозирча ўрганилмаган. Бунга сабаб уларни ўстириш, кўпайтириш мумкин бўлмаганида. Шунинг учун ҳам улар “ўстирилмайдиган микроорганизмлар” деб аталади. Табиатда бундай микроорганизмлар ДНК (дезоксирибонуклеин кислотаси) кўринишида бўлиб, полимер занжирли реакциялар ёрдамида уларни кўпайтириш ва ундан кейин нуклеотид кетма-кетлигини ўқиш орқали нималарга қодир эканини аниқлаш мумкин. Дунёда бу соҳа ривожланишига хизмат қила оладиган ускуналар етарли бўлса-да, уларнинг ишлаш тезлигини ва аниқлигини ошириш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида яна илм-фанга эътибор ва рағбат ҳақида тўхталсак, ноўрин бўлмас. Зотан, академиклик менга фахр билан бирга, катта масъулият ҳам юклади. Академик деб тан олинган олим, энг аввало, ўз йўналишининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, ўз мактабини яратган, шу фаннинг келажагини, унинг узоғини кўра биладиган, ривожланиш истиқболларини белгилаб берадиган бўлиши керак. Шу фаннинг бир қисми бўлган микробиология фанини мамлакатимиз иқтисодиёти ошишига хизмат қилдира оладиган, бу соҳада янги-янги технологиялар яратиш имкониятига эга бўлган олимларимиз ана шундай юксак ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилаверади.

Таржима — адабий санъат тури, таржима илм ҳам. Шу маънода, таржимон сўз санъаткори сифатида ўзга тилни мукаммал билгани ҳолда, ўз тилини яхши билмаса, асар жуда ғариб, нурсиз бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 16 январь, 11-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Огаҳий издошлари



# БАДИИЙ ТАРЖИМАЧИЛИК

## АСЛИЯТДА АСАР БИТИШДАН-ДА МУШКУЛ



**Кейинги пайтларда таржимачилигимиз ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, устозларнинг маҳорат мактаблари тўхтаб қолгани ҳақида кўп гапириляпти ва бу гапларда жон борлиги бугунги аксарият таржима намуналарида яққол намоён бўлмоқда. Таниқли шоир ва моҳир таржимон Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ билан шу хусусда суҳбатлашдик.**

— Ҳар бир халқнинг маънавияти, маданияти ва илм-фани таржимасиз тараққий этмайди, — дейди Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ. — Ўтмишдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жаҳон илм-фани, маънавиятига улуғ ҳисса қўшган алломаларимиз етишиб чиқишида тенгсиз иқтидор, илмга чанқоқликдан ташқари улардаги яна икки жиҳат муҳим омил бўлган. Бири бу — ўша замонда етакчи бўлган хорижий тилларни, хусусан, араб тилини пухта эгаллагани бўлса, иккинчиси — уларгача араб тилига ўгирилган илм-фан тараққиётида муҳим роль ўйнаган тадқиқотларни синчиклаб ўрганганлари. Бу тажриба ҳозир ҳам ибрат намунаси бўла олади.

Тарихда чуқур из қолдирган давлат арбобларимиз, атоқли адибларимиз бадиий таржимага ҳам эътиборли бўлган ва бу жабҳада қилинган ишлар ҳисобсиз.Айни пайтда давлатимиз қаратаётган эътиборга муқояса сифатида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II — Ферузнинг махсус фармони туфайли яратилган шароит сабаб улуғ шоир ва тарихчи Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий бир қанча асарларни форс тилидан ўзбек тилига моҳирона ўгирганини айтиш жоиз. Улар орасида бундан минг йил олдин яратилган Кайковуснинг “Қобуснома” бадиий-дидактик дурдона асарини халқимиз камида 150 йилдан буён севиб ўқийди. Бу каби бадиий-маърифий дурдона асарлар халқимизнинг маънавиятини бойитиш баробарида, навбати билан етишиб чиққан қалам аҳлининг ҳам янги руҳ, янгича шакл ва маънига эга асарлар битишига хизмат қилган.

Ҳар бир халқ мустақил бир давлат сифатида жаҳон саҳнасида бошқалар билан тенг, олий бир мақомда турар экан, ўзининг азалий ва янги қиёфасини тўла намоён этиши учун маънавий тараққиёт йўлини белгилаб олади. Бу эса таржимасиз бўлмайди. Шу пайтгача бизда давлат миқёсида бадиий таржимачиликни ривожлантириш борасида қандай ишлар қилинди? Ҳолбуки, бадиий таржима ҳам давлат, миллат мустақил бўлганидагина чинакамига равнақ топади. Бошқалардан кам бўлмасдан, ўзининг маънавий бойликларини жаҳон афкор оммасига экспорт қилиш, жаҳоннинг энг улуғ инсоний қадриятларини, руҳиятнинг рангин иқлимларини ўзбек қалбига олиб келиш учун зарур эҳтиёж бу — бадиий таржима!

Аммо бизда сиз сўраган таржима мактаблари ишламай қўйди. Ёзувчилар уюшмасидаги Адабиётни тарғиб қилиш маркази тарқаб кетди. Аввалгидек нашриётларда янги таржима асарларини кўрадиган муҳаррирлар қайда дейсиз. Таржимонларга тўланадиган қалам ҳақи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хайриятки, “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил этилиб, ҳозиргача 300 дан ортиқ сони чоп этилди. “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил бўлган паллалар унинг бош муҳаррири, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов маҳоратли таржимонларни ишга солиб, беш-ўнта жаҳон адабиёти дурдона намуналарини таржима қилдирган, пичоққа илинар асарлар таржимасига киришмоқчи бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаган эди. Аммо жаҳон адабиётининг мумтоз, янги қизиқиш уйғотаётган асарлари шунчалар кўпки, бир журнал имкониятидан келиб чиқиб бериладиган асарлар уммондан бир томчига ўхшайди. Демак, миллатимизнинг дунё адабиётига бўлган ташналигини бу билан қондириб бўлмайди. Энди жаҳон халқлари, ҳеч бўлмаганда, жаҳон тилларини биладиган ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти намуналарини мутолаа қилиши имконияти деярли йўқ даражада. Бу ишни режали асосда ташкил қилиш эса қарийб ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кимдир бунга эътироз билдириб, фалонча асаримиз инглиз тилига, фалончаси араб ва ҳоказо тилларга таржима бўляпти-ку, дейиши мумкин. Бу онда-сонда қилинаётган таржималар аксарият ҳолларда таржимон ёки муаллифнинг ташаббуси билан бўляпти. Бу билан катта бир миллат сифатида кутилган натижага эриша олмаймиз. Ва жаҳон халқларининг ўзбек адабиёти, қолаверса, ўзбек миллати ҳақидаги тасаввури кемтик бўлиб қолаверади.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

**— Бу борадаги ишларни яхшилаш, тўғрироғи, янги босқичга олиб чиқиш учун нималар қилишимиз керак, деб ўйлайсиз?**

— Аввало, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида махсус, мустақил, бадиий таржимачилик ишлари йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада алоҳида бўлимлар ташкил этилмоғи зарур. Уларда таржимон ва мутахассислар ҳамкорлигида, аввало, барча жанрларда яратилган ўзбек адабиётининг мумтоз ва замонавий намуналаридан энг яхшиларини жаҳон тилларига ва жаҳон тилларидан ўзбек тилига ўгириш бўйича таржимонларга буюртма берилса, қандай яхши. Шунда ўзбек ўқувчиси ўзи истаган хорижий бадииятдан, хорижлик китобхон эса адабиётимизнинг исталган намунасидан баҳраманд бўла олади.

Нега жаҳон тилларига таржима қилишга арзийдиган асарларимиз бўлгани ҳолда, бу фаолият онда-сонда амалга ошяпти? Бизда оммавий бир суръатда хорижлик таржимонларни жалб этадиган, улар билан ишлайдиган ташкилот-муассасанинг ўзи йўқ. Биринчи навбатда, хорижлик таржимонлар иқтисодий рағбатлантирилмас экан, бу иш олға силжимайди. Масаланинг бу томони ечилгач, бир асар устида таржимоннинг муаллиф ёки мутахассис билан ўзаро ижодий ҳамкорликда ишлашига ҳам шароит яратиб бериш муҳим. Хорижлик таржимонларни юртимизга таклиф қилиш керак ёки муаллиф, ўтмишда яратилган асар билимдони ва хориж тилидан хабардор кишини хорижга юбориш, таржимон ва мутахассислар бақамти ўтириб, таржима асари устида ишлаши, тер тўкиши керак бўлади. Шундагина бу борада давомий муваффақиятга эришиш мумкин.

**— Айтайлик, бир асар таржима қилинди. Уни баҳолашда стандарт мезон йўқ-ку, таржимон меҳнатини ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Кимгадир қойилмақом туюлган таржима асари кимгадир ўта савиясиздек кўринади. Сизнингча, аслида, таржимачиликда қайси жиҳатлар бирламчи бўлиши керак?**

— Аввало, таржимон асар танлай билиши керак, деб ўйлайман. Хўп, жаҳоннинг қайси бир халқига мансуб муаллиф асари Европа ёки Америкада машҳур, унинг мухлислари кўп бўлиши мумкин. Аммо мутаржим асар ўзбек ўқувчисига нима бера олади, унга завқ-шавқ улашиши қаторида хулқи, маънавий оламини безай оладими, деган саволларга ҳам эътибор қилиши зарур. Жаҳон адабиётида адабий кашфиёти жиҳатдан янгилик ҳисобланган баъзи асарларда ножоиз тасвирлар ҳам учрайди. Асарнинг адабий услубларини ўрганиш мумкиндир, аммо бу асар оммавий нусхада нашр қилиниб, ёш авлодга тутқазилса, маънавий зарар келтириши турган гап. Бу томонини ноширлар жиддий мулоҳаза қилмаса бўлмайди.

Тўғри, ҳар бир таржима асарини ўқувчи ўз дунёқараши, мутолаа тажрибаси, адабий асар сўз санъати эканидан қай даражада хабардорлигига қараб баҳолайди. Бироқ таржимачиликда таржимон учун бирламчи қоидалар мавжуд. Таржима — адабий санъат тури, таржима илм ҳам. Шу маънода, таржимон сўз санъаткори сифатида ўзга тилни мукаммал билгани ҳолда, ўз тилини яхши билмаса, асар жуда ғариб, нурсиз бўлади. Аввало, ўз она тилини аъло даражада билиш таржиманинг муваффақиятли чиқишига ўзгача ҳисса қўшади. Тил нуқтаи назаридан янги бир асар пайдо бўлаётган экан, аслидан андаза олиниб, янги иморат тикланади. Лекин нозик бир нуқталарида бошқа халқ адабиётидан ўгирилгани билинганда, сизнинг ҳаётингиздан бошқаники фарқли бўлганидек, баъзи атама ва тушунчаларда бу сезилиши ҳам керак. Мисол учун, бир асарни инглиз тилидан таржима қилмоқчи бўлдингиз. Асарни очиб, тушунмаган сўзларингизни луғат ёрдамида таржима қилиб кетавериш билан иш битмайди. Аввало, Англиянинг



ўша замондаги тарихидан, маданиятидан, инглизларнинг ўзига хос томонларидан хабардор бўлиш таржимонга қўл келади. Ҳар бир халқ, ҳар бир даврга хос рамзий фикр ва маъноларни тушунмасдан қилинган таржима қош қўяман деб кўз чиқаришнинг айнан ўзи...

**— Таржима соҳасидаги кўп йиллик тажрибангиздан келиб чиқиб, соҳада учраётган асосий муаммолар ҳақида тўхталсангиз.**

— Мен талабалик давриданоқ ўзбек адабиёти қаторида жаҳон адабиётининг тилга тушган, аммо бизда таржима бўлмаган намуналарини рус тили орқали ҳижжалаб бўлса-да, ўқишга ҳаракат қилар эдим. Шу қаторда бу адибларнинг ҳаёти менга қизиқ кўринар, бунга оид биографик асарлар мутолааси ҳам бадиий асардан кам бўлмаган даражада завқ улашган, тасаввуримни кенгайтирган. Шулар таржимачиликка қўл уришимга сабаб бўлган. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида шеър машқи билан бирга, француз шоирлари Ш. Бодлер, П. Верлен, А. Рембо ижодидан, кейинроқ Нобель мукофоти совриндори И.Бродскийнинг бир туркум шеърларини ўгирдим. Булар адабий нашрларда эълон қилинди. Бу шоирлар ижодидан таржималар бизда қарийб йўқ, аммо ўқувчиларимиз орасида улар ижодига қизиқиш кучли эди. Аср адоғида энди драматик ва насрий асарлар таржимаси мени ўзига оҳанрабодек торта бошлади. 2000 йилда Бельгия шоири М.Метерлинкнинг “Сўқирлар” пьесаси, немис адиби Ф.Кафканинг “Отамга хат” автобиографик асари менинг таржимамда “Жаҳон адабиёти” журналида босилди.

Шундан кейин модернизм адабиётининг асосчиларидан бири Франц Кафканинг “Жараён” романини рус тили орқали таржима қилишга киришдим. Шундагина мен бадиий таржима билан шуғулланиш аслиятда асар битишдан ҳам қийин иш эканини чуқур англаб етдим. Насрий таржимада тил билишдан ташқари, адиблик, бадиий тафаккур салоҳияти бўлмаса, дурдона бир асарни ҳеч қачон бошқа тилга ўгириб бўлмайди. Қайта-қайта ишловларим натижасидагина бу асар “Жаҳон адабиёти”да босилди, муваффақиятли таржима сифатида эътироф этилди. 11-синф адабиёт фани мажмуасига асардан парча киритилди. Китоб бўлиши эса яна уч йилга кечикди. Баъзи нашриётлар қалам ҳақи беришни хаёлларига ҳам келтирмасди. Ахир бу асарни таржима қилиш ва сайқаллаш учун беш йил умримни сарфлаган эдим. Ўзимнинг маблағим эвазига асарни нашр эттирдим ва “Жараён”ни кўтариб, юртимиз вилоятларини кезиб чиқдим. Баъзан китоблар изсиз йўқолди, баъзан ҳамкасб дўстларнинг ёрдами билан тарқалди, сотилди. Асардан йиғилган қалам ҳақига Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиётганимда ярим йиллик контракт тўловини тўлашга муваффақ бўлдим. Шундан кейин нашриётларнинг ўзи рухсатимсиз “Жараён”ни боса бошлади. Кейинроқ ўзларича тайёрлаб, ўн минг нусхада сотувга чиқармоқчи бўлган “ZIYO-NASHR” нашриёти мени танийдиган бир ходими орқали шартномага қўл қўйиб кетишимни сўради. Ижодий иш билан банд бўлиб, ҳеч қаерда ишламаётгандим, пулга муҳтож эдим. Нашриётнинг директор ўринбосари дастлаб қалам ҳақининг бир қисмини, қолганини икки ой ичида тўлаб беришни ваъда қилгач, ноилож шартномага қўл қўйдим. Ҳолбуки, бу меъёрдаги қалам ҳақидан уч баробар арзон эди. Лекин мана бир ярим йилдан ортиқ вақт ўтяптики, бир тийин тўлангани йўқ. Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилсам, “Шартнома тузилган экан, биз тадбиркорнинг ишига аралашолмаймиз”, дейишди. Ахир бу тадбиркорлик эмас, фирибгарлик, муттаҳамлик-ку! Бошқа нашриёт эса “Жараён”ни бутунлай ўзининг мулки қилиб олибди. Асарни 1000 нусхада дея, ҳар йили ўша сана билан уч йилдан буён истаганча нашр қилиб ётибди. Босмахона ўзиники... Таржимон ижтимоий ҳимояланмаса, таржимачилик қандай ривожланади?

**“ ҲАР БИР ХАЛҚ, ҲАР БИР ДАВРГА ХОС РАМЗИЙ ФИКР ВА МАЪНОЛАРНИ ТУШУНМАСДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМА ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ КЎЗ ЧИҚАРИШНИНГ АЙНАН ЎЗИ... ”**

Бироқ ижод ижодкор учун ҳаёт, деганини! Бундан ҳам муҳими, бу иш халқ маънавиятига ҳисса қўшишнинг шарафли бир йўли. Бадиий таржимадан кейин юксак бир миллий-жаҳоний адабиёт кўз очади, деган устозларнинг ҳикмати бор. Мен шу ҳикматга эътиқод қиламан. Ва бир куни замонавий ўзбек адабиёти жаҳон адабиётининг чўққисига чиқади, ўзбекнинг қалби, ўзбекнинг тафаккури дунёнинг адабий тамаддунига яна ўзининг улуғ ҳиссасини қўшади. Шунинг натижаси ўлароқ, дунёнинг 30 дан ортиқ забардаст шоирлари шеърий туркумларини, Г.Маркес, Р.Акутагава, Х.Борхес, К.Хамсун, П.Неруда, Ч.Айтматовнинг айрим насрий асарларини тилимизга ўгирдим. Дарвоқе, ўтган йили Франц Кафканинг “Қалъа” романи менинг таржимам билан китоб бўлиб чиқишига эришдим.





**— Ёш, маҳоратли таржимонлар йўқ эмас, фақат уларни излаб топиш, тарбиялаш зарур. Давлатимиз раҳбарининг таржимачилик ва таржимашуносликни ривожлантириш борасида билдирган фикрлари, яратилажак имтиёзлар истиқболини қандай тасаввур қиляпсиз?**

— Аввал саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб берсам. Ўтган йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз ажойиб нутқ сўзлади. Шу нутқни жон қулоғим билан икки марта тингладим. Нутқ кўнглимдаги армонларим ушалишига умид уйғотди. Давлатимиз раҳбари адабиётни маънавиятнинг замини, деб атади. Ҳар бир нарсанинг замини бўлсагина, илдиз отади, ўсади, гуркирайди. Президентимиз бир шеърни, битта асарни астойдил ёзиш осон эмаслиги, айниқса, бадиий асарни таржима қилиш жуда қийинлигини алоҳида таъкидлади. Элнинг, эл бошида турганларнинг эътиборини шунга қаратди.

Менимча, 33 йил давомида биринчи марта таржима, бадиий таржима соҳаси алоҳида тилга олинди, уни яхшилаш, сифати ва миқдорини ошириш кераклиги таъкидланди. Маънавий тадбирларга, китоб ва матбуот нашрларига сарф этилаётган маблағлар очиқ-ойдин айтилди. Бир йилда 45 миллиард сўм-а? Бу айтишга осон. Маънавият, адабиёт, санъат ходимлари янада олға босиши давр талаби экан, бундан ҳам кўп маблағлар сарфланиши таъкидланди.

Йиғилишда бадиий таржима соҳасида улуғ шоир, тарихчи, моҳир таржимон бўлган Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этиш таклифининг ўртага ташлангани фидойи таржимонлар учун улуғ рағбат, имконият ва шараф эмасми?! Юқорида таклиф қилганимдек, бу соҳанинг билимдони бўлган адиб, мутахассис, ношир ва ижодкорларни уюштириб, уларнинг фикр ва таклифларига кўра улуғ режалар белгиланса, шу пайтгача қилинган ишларга солиштириб бўлмас даражада улуғ ишларни амалга ошириш мумкин, деб ўйлайман. Зеро, ўзбек халқининг бадиий таржима борасидаги салоҳияти, матонати ҳам жуда юқори. Демак, бу борадаги муаммоларнинг илдизига теран қараш ва уларни ечиш имкони борлиги шубҳасиз.

Рост айтасиз, бугун бадиий таржима билан шуғулланаётган иқтидорли ёшлар талайгина. Ишнинг иқтисодий томони таъминланса, бу саф яна ҳам гавжумлашади. Жаҳоннинг исталган йирик тилларини биладиган ёшлар юртимизда қанчадан-қанча. Уларни топиш, таржима мактабларида ўқитиш ва чиниқтириш, ҳар бирига ўқувчилар мутолаа қилишни орзиқиб кутаётган асарларни она тилимизга ўгириш учун тутқазиш керак. Уларни мунтазам илҳомлантириб, ижодий баркамолликка бошлаш устозлик вазифамиздир.

**— Бугун кимларнинг таржима мактабларини яратиш зарур, деб ўйлайсиз?**

— Бизда юзлаб бадиий таржима мактаблари бор. Бир-икки атоқли таржимонларимизнинг маҳорат мактабларини оммалаштириш билан иш битмайди. Зеро, ҳар бири ўзига хос тажриба, фидойилик, салоҳият қирраларига эга. Булар қадрлаб ўрганилиши ва ёш таржимонларга ўргатилиши керак. Шунда таржимачилигимиз янги анъаналар билан юксак самаралар беради.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Муножат МЎМИНОВА суҳбатлашди.**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 137.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:30 Топширилди — 22:40